

**ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА, АХБОРОТЛАШТИРИШ ВА
ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ДАВЛАТ
ҚЎМИТАСИ**

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ
УНИВЕРСИТЕТИ ҚАРШИ ФИЛИАЛИ**

О.Д.РАХИМОВ

**ИННОВАЦИОН ПЕДАГОГИК
ТЕХНОЛОГИЯЛАР:**

**талаба портфолиоси-
билимни назорат қилиш ва баҳолашнинг қўшимча
технологияси сифатида**

ҚАРШИ – 2013

О.Д.Рахимов. Инновацион педагогик технологиялар: талаба портфолиоси –билимни назорат қилиш ва баҳолашнинг қўшимча технологияси сифатида. Услубий қўлланма. Қарши-2013й, 60б.

Қўлланмада «Талаба портфолиоси» технологияси тўлиқ таҳлил қилинган, унинг мазмун моҳияти, таркиби, турлари, баҳолаш мезонлари, талабанинг электрон портфолиоси- е-Portfolio тўғрисида маълумотлар берилган. Талаба портфолиосини ўқув жараёнига тадбиғи бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Талаба портфолиоси технологиясини ривожланган давлатлар олий таълим тизимида қўлланиш ҳолати таҳлил қилиниб, талабанинг умуммаданий, умумкасбий ва касбий компетентлигини таъминлашдаги ўрни асосланган.

Таҳлиллар асосида Ўзбекистонда олий таълим муассасаси талабасининг ўқув-касбий портфолиосини яратиш услубиёти, талаба ўқув-касбий портфолиоси тўғрисидаги намунавий НИЗОМ ва ўқув-касбий портфолио намунаси ишлаб чиқилган.

Қўлланма олий, ўрта-махсус ва умумий ўрта таълим муассасалари ҳамда малака ошириш ва қайта тайёрлаш марказлари педагоглари, докторантлар, магистрлар ва талабалар учун мўлжалланган.

Тақризчилар:

*Тошкент ахборот технологиялари университети (ТАТУ)
ўқув-услубий бошқарма бошлиғи т.ф.н., доц.А.Эргашев*

*ТАТУ Қарши филиали ўқув ва илмий ишлар бўйича директор
ўринбосари п.ф.н., доц. Қ.О.Мустафоев.*

***Қўлланма ТАТУ Қарши филиали Илмий Кенгаши томонидан кўриб
чиқилган ва нашрга тавсия этилган.***

КИРИШ

Биз ота-онамиз, ўзимиз ва болаларимизнинг соғлигини оддий эмас, балки профессионал шифокорга топширишни истаймиз, улар бизни жисмонан доволайдилар. Болаларимизни қандай педагогларга топширишимиз керак, профессионал педагогларгами, ёки! Бу «даволаш» уларни ёки руҳан соғлом этади, ёки бир умр руҳан адаштиради!

Республикамизда таълим –тарбия тизимини тубдан ўзгартириш йўлида олиб борилаётган ислохотларни амалга ошириш ва бу борада қабул қилинган ҳужжатлар моҳиятини кенг жамоатчилик томонидан чуқур англаб олинишига ҳар томонлама шароит яратиш – давлат бошқаруви, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, таълим-тарбия муассасалари ходимларининг энг долзарб вазифалари этиб белгиланган.

Президентимизнинг Республикамизда таълим тизими ислоҳи тўғрисидаги қуйидаги фикрлари таълим-тарбиянинг том маъносини, мазмун-моҳиятини тўлиқ изоҳлайди, уни тўғри тушунишга ва амалда тадбиқ учун дастур вазифасини ўтайди: «Таълим тизимини ислоҳ қилиш вазифалари муваффақиятли ҳал этилса, ижтимоий сиёсий иқлим кескин ўзгаради, одамлар онгида демократик қадриятлар қарор топади. Инсон жамиятдаги ўрнини онгли равишда ўзи белгилайди».

Буюк маърифатпарвар А.Авлонийнинг «Тарбия биз учун ё ҳаёт, ё мамот, ё нажот-ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидир» деган тарбия бобидаги ўғитлари ўтган аср бошларида қанчалик муҳим ва долзарб бўлган бўлса, ҳозирги кунда ҳам шунчалик муҳимдир.

Ал-Форобийнинг «Фозил одамлар шахри» асарида жамиятнинг ҳар бир фуқароси –мансаби, тутган ўрни, яъни ким бўлишидан қатъий назар Фозил киши эканлиги таъкидланган. Фозил инсон ўз давлатининг барча қонун-қоидаларини яхши биладиган, унга амал қиладиган, ўз касбининг устаси, лозим бўлганда Ватан учун жон фидо қиладиган кишилардир.

Дистерверг ўқувчи таълим-тарбияси ҳақида қуйидагича ёзади: «Ўқувчини меҳнат қилишга ўргат, уни нафақат меҳнатни севишга, у билан шундай уйғунлашишга кўниктиргинки, токи меҳнат унинг вужудига сингиб кетсин, уни шунга ўргатки, унинг учун ўз кучисиз билан бирор-бир нарсани билиб ололмаслик ақлга сиғмайдиган ҳолат ҳисоблансин».

Ўқувчи таълим-тарбияси тўғрисидаги юқоридаги фикрлар битта луғавий маънони беради, яъни таълим-тарбиянинг бош йўналиши ўқувчиларда фикр ва тафаккурни ривожлантириш, ўз қобилиятига, ўз билимига ишонч ҳосил қилиш туйғуларини шакллантириш, уларни мустақилликка ўргатишга йўналтирилган бўлмоғи лозим.

«Ҳаётнинг маъноси нима, фозил ва комил инсон қандай бўлиши керак?» -деган азалий савол, менимча инсон ижодидда таълим-тарбия жараёни вужудга келгач пайдо бўлган.

О.Д.Рахимов

Спенсер тарбия бобида шундай таъкидлайди «Тарбия ишида ўз-ўзини такомиллаштириш жараёнига катта ўрин берилмоғи лозим. Инсоният фақат мустақил ўрганиш туфайлигина тараққий этган». Демак, таълим технологиялари асосан ўқувчиларда ўз-ўзини ривожлантириш, фаоллаштириш ва такомиллаштириш, ўз-ўзини баҳолаш каби компетентликларни шакллантиришга қаратилмоғи лозимдир.

Ҳозирги кунда ривожланган давлатлар таълим тизимида айнан шундай таълим ва педагогик технологияларга катта эътибор берилмоқда. Бундай замонавий инновацион технологияларга ривожлантирувчи таълим технологияси, ақлий ҳаракатни босқичма-босқич шакллантириш технологияси, жамоавий ўзаро таъсир технологияси, тўлиқ ўзлаштириш технологияси, турли даражали ўқитиш технологияси, адаптив ўқитиш технологияси, дастурлаштирилган ўқитиш технологияси, муаммоли ўқитиш технологияси, модулли ўқитиш технологияси, бўлажак мутахассисларнинг ижодий фаолиятларини ривожлантириш технологияси, лойиҳалар услуби технологияларини келтириш мумкин.

Албатта бундай педагогик технологиялар тадбиғи мавжуд ўқув муҳитида талабаларнинг билими, ўқуви ва малакасини тўғри баҳолаш, уларда касбий компетентликни шаклланганлик даражасини аниқ белгилаш ва шунга мос ҳолда уларни ишлаб

чиқариш корхоналарида ишлашга тавсия этиш, тайёрланадиган кадрларнинг рақобатбардош бўлишини таъминлашнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Шу сабабли нафақат ўқитишнинг инновацион технологиялари, балки талабалар билими, ўқуви ва касбий малакаси шаклланишини назорат қилиш ва баҳолашнинг инновацион технологияларидан ҳам фойдаланиш талаб этилади.

Ҳозирги кунда маҳсулот сифати, техника ва технология сифати, сифатни бошқариш тизими сифати каби атамалар ўз ўрнини ҳаёт сифати тушунчасига бермоқда. Ҳаёт сифатининг асосий мезони- таълим-тарбия сифатидир.

О.Д.Рахимов

Ана шундай технологиялардан бири «талаба портфолиоси» ҳисобланади.

«Портфолио» - ўқишнинг маълум даври (семестр ёки ўқув йили) бўйича талабанинг шахсий ютуқлари ва олган билимларини тўплаш, қайд этиш ҳамда баҳолаш усули ҳисобланади. Портфолио чет эл таълим тизимида анча кенг қўлланилади. У баҳолашнинг янги шаклига йўналтирилган «аутентик» шахсий, ўз-ўзини баҳолаш технологияси ҳисобланади.

Портфолио анъанавий назорат-баҳолаш тизимини тўлдириб, фактологик ва алгоритмик билимлар ҳамда малакалар, ахборотни ўзлаштиришнинг репродуктив даражаларини текшириш мақсадида фойдаланилади.

Ушбу қўлланмада «Талаба портфолиоси» технологияси тўлиқ таҳлил қилиниб, унинг мазмун моҳияти, таркиби, турлари, баҳолаш мезонлари, талабанинг электрон портфолиоси- e-Portfolio тўғрисида маълумотлар берилган ва талаба портфолиосини ўқув жараёнига тадбиғи бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

I. ТАЛАБАЛАРДА ЎЗ-ЎЗИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА БАҲОЛАШ ҚОБИЛИЯТЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

1.1. Инсонпарвар педагогикада шахсга йўналтирилган таълим тушунчаси

Ривожланган давлатлар таълим тизимида кейинги вақтларда кенг қўлланилаётган «Талаба портфолиоси» педагогик технологиясини ёритишдан олдин, ушбу технология асосини ташкил этувчи ўз-ўзини баҳолаш муаммосига тўхталиб ўтамиз. Шахс ва мутахассис бўлиб етишишда ўз-ўзини баҳолаш моҳиятини аниқ тасаввур қилмасдан туриб, ўрганилаётган педагогик технологиянинг дидактик аҳамиятини тушуниш, унинг таълим тизимида тутган ўрнини аниқлаш бир мунча қийин ҳисобланади.

Инсонпарвар (гуманистик) педагогика марказий тушунчаларидан бири ҳисобланмиш шахсга йўналтирилган таълимда ўз-ўзини фаоллаштириш ёки ўзининг барча потенциал қобилиятларини ва табиий иқтидорини уйғотиш ҳамда уни ҳаётда қўллаш, ўз-ўзини фаоллаштириш, ўзига ишониш муҳим рол ўйнайди. Албатта инсоннинг бахтли бўлиши ва кўнгул мулкнинг хотиржам бўлиши инсоннинг бу хислатларига доимий боғлиқ ҳолда шаклланади. Бу инсоннинг ўз имкониятларини тўғри баҳолаш, ўзига ишониш хусусиятларини юзага келтириш каби омиллар билан ҳам баҳоланади. Психологияда баъзан «кутиш» деган тушунча ҳам учрайди. Масалан, ўқитувчи ўзининг барча муносабатлари ва ҳаракатларида қайсидир бир талабадан ўз фани бўйича ҳеч бир ижобий натижани кутмаслигини кўрсатса, бунга ушбу талаба ҳам ишонади. Бу ўқувчининг «кутиш» ҳолатини билдиради, чунки талаба олдиндан муваффақиятсизликга ҳукм қилинган. Шунингдек, аксинча, агар ўқитувчи энг қолоқ талабага ҳам ишонса ва уни албатта фанни ўзлаштира олишига, фақат озгина ҳаракат қилиши лозимлигига ишонтирса талабада оз-оздан бўлсада ижобий ўзлаштириш юзага келади.

А.А.Леонтьев ўқитувчи фаолиятидаги ўзи билмаган ҳолда талабага нисбатан салбий муносабатда бўлиш белгиларини қуйидагича кўрсатиб ўтади:

➤ ўқитувчи «ёмон» талабага жавоб учун яхши талабага нисбатан кам вақт ажратади, яъни ўйлаб олиш учун имконият яратмайди;

➤ агар «ёмон» талаба нотўғри жавоб берса, саволни кенгрок тарзда яна қайтармайди, унга савол бўйича жавоб учун кўмак бермайди, бирдан бошқа талабадан сўрайди ёки ўзи тўғри жавобни айта қолади, яъни талабанинг фикрлашига, ўз фикрини ривожлантиришига шароит яратмайди;

➤ ўқитувчи баъзан «либерал»часига иш тутади, яхши талабанинг нотўғри жавобини ҳам ижобий баҳолайди;

➤ кўпгина ҳолатларда «ёмон» талабани нотўғри жавоби учун уришади;

➤ у тўғри жавоб берганда ҳам кам мақтайди, рағбатлантирмайди;

➤ «ёмон» талабани жавоб беришига кам ишонади, у жавоб учун қўл кўтарганда ҳам ундан сўрамайди, эътибор бермайди;

➤ ёмон талаба кўзига яхши талабаига нисбатан кам қарайди, унга нисбатан кам меҳр кўрсатади;

➤ машғулот вақтида у билан кам мустақил шуғулланади, ёки умуман шуғулланмайди.

Инсонпарвар педагогиканинг шахсга йўналтирилган соҳасида ўқитувчи ва талаба ҳамда талабаларнинг ўзаро муносабатларига алоҳида эътибор қаратилади. Талаба ўқитувчига ишониши, ўқитувчини билимни етказувчи шахс сифатида эмас, балки меҳрибон, талабчан бўлсада кўнгли очик устоз сифатида билиши лозим.

1.2. Талабаларда ўз-ўзини фаоллаштириш ва ривожлантириш қобилиятларини шакллантириш

Шахсга йўналтирилган таълим тушунчасининг марказини ўз-ўзини фаоллаштириш ҳисобланади ва у шахснинг ички ресурсларини ривожлантиришга қаратилган бўлади. А.Маслов ўз-ўзини фаоллаштириш қобилиятига эга шахсларнинг асосий характерларини қуйидагича белгилайди:

- реалликни аниқ, иккиланмасдан қабул қилади;
- ўзини ва бошқаларни тез ва аниқ идрок қилади;
- юқори даражада ўзини эркин тутади;
- муаммоларни ҳал қилишда юқори аниқлик ва диққатга эга бўлади;
- ўта бефарқлик ва ёлғиз бўлишга интилади;
- мустақил ва маданий тарзда қаршилик қилади;
- эмоционал реакцияларга бой;

- бошқалар билан яхши муносабатда бўлади;
- ўз ҳолатидан юқори даражада қониқиш ҳосил қилади;
- характерининг демократиклиги;
- кучли ижодий қобилиятга эга бўлади;
- юқори инсонийлик хислатларига эга;
- юқори интенсивликдаги кечинмаларнинг катта частотаси эга.

Бундай шахслар билан ишлаш мароқли ва улар ота-она, ўқитувчи ва давлатга катта талаб ва шикоят қилмасдан ҳаётда ўз ўрнини топа олишади. Улар ўз қобилиятларига боғлиқ ҳолда мустақил, ўз-ўзини бошқара оладиган шахслардир. Бу каби талаба ва талабаларни тарбиялаш осон эмас. Лекин, инсонпарвар педагогика, шахсга йўналтирилган таълим принципи асосида ишловчи ўқитувчи бундай талаба ёки талабанинг кўнглига йўл топа олиши зарур.

К.Роджерс инсонпарвар педагогиканинг асосий омилларини қуйидагилар билан изоҳлайди:

- ✓ ўқитувчини барча талабалар ўқиш қобилиятига эга ғоясини қабул қилиши;
- ✓ ўқув дастури талаба қизиқишларига жавоб бериши;
- ✓ аудиторияда эркин муҳит яратилиши, ўқитувчи томонидан ҳеч қандай босим бўлмаслиги;
- ✓ талабалар учун ўқув юрти фаолиятида фаол иштирок этиш имкониятларини яратилганлиги;
- ✓ ўз-ўзини баҳолаш (ташқи баҳолашдан ташқари);
- ✓ билим олиш жараёнининг нафақат натижаси, балки унда қатнашиш ва масъулият ҳис қилишнинг доимий очиқлиги.

Паттерсон таъкидлаб ўтганидек, ўқув юртида инсонпарвар педагогика доирасида талабаларни ўз-ўзини баҳолаш ва ўзини фаоллаштириш услубларини амалга ошириш учун қуйидаги шароитлар яратилиши лозим:

- ✚ очик ва ўзгарувчан дарс жадвали;
- ✚ талабаларнинг мустақил фаоллигига катта эътибор қаратиш;
- ✚ талабаларнинг мустақил билим олишлари учун кенг имкониятлар яратиш;
- ✚ талабаларнинг ижодий ишларига жиддий аҳамият қаратиш;
- ✚ ўқув жараёнида ўзаро ёрдамга кенг эътибор бериш;
- ✚ ўз-ўзини баҳолашга махсус эътибор қаратиш;

■ талабаларнинг шахсий кадр-қиммати ва қобилиятиларини ҳурмат қилиш.

Кичик гуруҳларда ишлаш ўзаро ёрдам ва биргаликдаги фаолият негизида амалга оширилади. Бунда ўз-ўзини баҳолаш ва шахснинг кадр-қимматини ҳурмат қилиш масалалари жуда нозик ҳисобланади.

1.3. Талабаларда ўз-ўзини объектив баҳолаш қобилиятларини шакллантириш

Талаба ёки талабани ўз-ўзини тўғри баҳолаш хусусиятини шакллантиришда қандай омиллар таъсир кўрсатади?

К. Роджерс ўз-ўзини англашни инсонда позитив идрок қилиш, англаш, билимларни ўзи мустақил ўзлаштиришини ривожлантириш деб кўрсатиб ўтади. Бироқ, Р. Бернс таъкидлаб ўтганидек, ўз-ўзини англаш натижаси фақат ўзини қўлга олиш эмас, балки ўз кучига ишонч, ўзига нисбатан тўғри қарор қабул қилиш қобилияти, яъни инсонни ўз ҳаётини қуришда қанчалар фаолликка эгаллиги билан ҳам баҳоланади. Р.Бернс ўз-ўзини баҳолашда У.Джемс томонидан таклиф этилган қуйидаги оддий формулага таянади,

$$\textbf{Ўз-ўзини баҳолаш} = \frac{\textit{муваффақият}}{\textit{талаб}}$$

Ушбу формула ўз-ўзини баҳолаш қобилиятини кучайтиришни икки йўли мавжудлигини кўрсатади. Ёки суратдаги кўрсаткични кўпайтириш, ёки махражни камайтириш. Чунки ўз-ўзини баҳолашда ушбу икки кўрсаткич муҳим ўрин тутди. Бу ерда инсон ўз муваффақиятларини баҳолай олиши ва ўзига бўлган талабни тўғри қўя билиши муҳим рол ўйнайди. «Генерал бўлишни орзу қилмаган солдат, солдат эмас» -дейилади халқ мақолида. Лекин, солдатлар кўп, генерал лавозим эса кам. Шунингдек, «Лайлакка бас қилиб, чумчуқни пути айрилибди» -дейилади иккинчи мақолда. Яъни, инсон ўзига талаб қўйганда, ўз кучини ва имкониятларини тўғри баҳолай билиши зарур. Талаб имкониятдан юқори бўлса, муваффақиятга эришиш қийин бўлади, ёки умуман бўлмайди, бу эса инсоннинг обрў-эътиборига ва соғлигига ҳам зарар етказди. Шунингдек, талабнинг кичик бўлиши эса инсонни ўз-ўзини фаоллаштиришига, ўзини ижод қилишига тўсқинлик қилади.

Талабанинг ўз-ўзини позитив баҳолаш қобилиятини шакллантиришда ўқитувчи ҳал қилувчи, катта рол ўйнайди. Бу ҳар қандай таълим шакли ва таълим тизими учун тааллуқлидир.

Ўқитувчининг ўз-ўзини баҳолаш қобилияти у ёки бу ўқитиш услубини танлашида ҳам аҳамиятга эга. Ўз-ўзини баҳолаш қобилияти кичик бўлган ўқитувчи оддий, анъанавий ўқитиш услубларидан фойдаланишга мойил бўлади. Ўз-ўзини баҳолаш қобилиятига эга ўқитувчи эса ижодий фикрлаш, машғулот вақтида жонли мулоқот ҳосил қилиш, талабалар билан узвий боғланиш ва уларга ҳар томонлама руҳий мадад бериш имкониятлари билан фарқ қилади. К. Роджерс руҳий терапия жараёнида шахс ўзгаришининг педагогик нуқтаи назардан учта асосий шартини кўрсатиб ўтган:

- ❖ эмпатия;
- ❖ талабага нисбатан сўзсиз позитив муносабат;
- ❖ улар билан муносабатда самимийлик.

Агар ушбу шартлар педагогика соҳаси бўйича изохланса қуйидаги педагогик қоидалар келиб чиқади:

1. Ўқитувчи талабанинг ички дунёсини ижобий қабул қилиш қобилиятига эга бўлиши зарур. Р.Бернс инсоннинг эмпатик қобилиятини фойдаловчи бир неча характерларини кўрсатиб ўтади:

✚ ўқитувчи талабанинг ҳиссиёт ва туйғуларини сабр –тоқат билан тинглайди;

✚ ўқитувчи ўз ички дунёсини ошкор қилмаган ҳолда талабанинг ички дунёсига чуқур кириб боради;

✚ ўқитувчи талабани янада яхшироқ тушуниш, ички дунёсини тўлиқроқ англаш мақсадида ўзининг ҳис-туйғуларини унинг дунёқарашига мослаштиришга ҳаракат қилади.

2. Ўқитувчининг талабага нисбатан сўзсиз позитив муносабати шуни англатадики, у талабанинг тушунишга ва ўзини позитив йўналишда ўзгартиришга бўлган ишончи ҳамда потенциал имкониятларига ишонади. «Қабул қилиш, ўзлаштириш бу боланинг ушбу ривожланиш даврида ўз имкониятларини чекланганлигини тушуниши билан ҳам характерланади» -деб кўрсатади Р.Бернс. Психологларнинг фикрича талабада позитив ўз-ўзини баҳолаш қобилиятининг ривожланиши асосан икки механизм ёрдамида амалга ошади:

- талаба ўзининг камчиликларини ва айрим ёмон характерларини ҳам намойиш қилганда, ўзини олиб қочишга ҳаракат қилмаса;

- талаба ўзининг ютуқ ва камчиликларидан қатъий назар унга яхши муносабатда бўлишларига ишонса.

Шу сабабли ўқитувчи талабанинг имкониятларини ҳисобга олган ҳолда унинг муваффақиятларини тўғри баҳолаши лозим.

3. Ўқитувчининг талаба билан муносабатларини самимийлиги, табиий бўлиши, талабанинг эҳтиёжларини қондиришда, унинг саволларига жавоб беришда ҳеч қандай сунъийлик бўлмаслиги зарур.

Юқорида келтирилган омилларнинг барчаси позитив ўз-ўзини баҳолашни шакллантиришнинг асосий шартлари ҳисобланади. Албатта бу кундузги ўқув шаклида, айниқса масофавий таълимда ўта муҳим ва долзарб муаммо ҳисобланади. Шунингдек, бундай ўқув шаклида ҳар бир талаба ўзи ва умумий топшириқни бажарадиган гуруҳ учун ҳам жавобгарлик ҳис қилади. Бу ерда шахсий, гуруҳий ва жамоавий фаолият органик ўзаро таъсирда бўлади, яъни бирорта ҳам талаба бу вазиятда четда туриши мумкин бўлмайди, ҳар бир талаба ўз қобилиятини, билимини ва иқтидорини кўрсатиши талаб этилади. Шу сабабли бу ерда кўнгилчанлик муҳити, ҳар бир талабани ўз имкониятига ишончи муҳим рол ўйнайди. Албатта бундай муҳитни ҳар қандай ўқув шаклида ўқитувчи ҳосил қилиши керак.

Агар ўқитувчида ҳар бир талабада объектив ўз-ўзини баҳолаш қобилиятини шакллантириш мақсади бўлса, у талабаларнинг психологик имкониятларини билиши зарур. Чунки, ҳаётнинг турли қирралари ва даврлари учун доимий бир хил тавсиялар бериш ёки ўртача бир одам ҳисобида хулосалар қилиш нотўғри ҳисобланади. К.Г.Юнг инсонни психологик нуқтаи назардан 16 хил типга ажратади. Албатта педагогик амалиётда бунга эришиш жуда қийин. Лекин ўз талабаларини **экстраверт** ва **интроверт**ларга ажратиш қийин эмас ва албатта буни ҳар бир ўқитувчи амалга ошириши лозим. Б.Такман очик ёки ёпиқ шахслараро муносабатларга бўлиш етарли деб ҳисоблайди. Очик типдаги шахсларга кўпроқ экстравертларга яқин кишилар, ёпиқ типдагиларга эса интровертлар киради. Педагогик-психологик нуқтаи назаридан шахслараро муносабатларни қуйидаги тўрт турга бўлиш мумкин:

1. **«Директор (раҳбар)»** (ёпиқ, лекин кескин, бетга чопар, тўғри гап). Бу типдаги инсонлар доим пешқадам ва раҳнома бўлишга интилишади. Бундайлар доим иш билан машғул ва шошилиб юришади. Улар бошқалардан олдинда бўлишни, буйруқ беришни, танқид қилишни яхши кўришади ва ўзини қатъиятли қилиб кўрсатишга ҳаракат қилишади. Бундай инсонларни билиб олиш унча қийинлик туғдирмайди. Улар доим нимагадир масъул бўлишни хохлашади, биргаликда кичик гуруҳларни бошқаришни таклиф этишади, ўзларининг мустақил эканликларини кўрсатишга ҳаракат қилишади. Улар ўқитувчининг чақириқларига жавоб бермаслиги ҳам мумкин, ҳатто топшириқларни ўқитувчидан ҳам яхшироқ бажаришларларига ишонишади. Албатта бундай талабаларни уларнинг алоҳида қобилиятларини ҳисобга олмаганда ўқитиш бироз қийин. Уларда объектив ўз-ўзини баҳолаш қобилиятини шакллантириш ҳам оғир, чунки бундайлар ўзларига юқори баҳо беришади. Оддий шахсга нисбатан ўзига ҳаддан ортиқ юқори талаб, нафақат унинг обрў-эътиборига, балки унинг соғлигига ва характериға ҳам салбий таъсир кўрсатади. Бундай талабаларға турли хил ижтимоий ролларни бериш лозим, жумладан раҳбар ва ижрочи, гуруҳда ёки шахсий топшириқ бўйича ишлаш ва б. Агар унда ҳақиқатдан ҳам раҳбарлик қобилияти бўлса, унга ўзининг ушбу қобилиятини намоиш этиши учун имконият яратиш лозим, лекин унинг бошқалар билан муносабатига, бошқалар фикрини ҳам ҳурмат қилишиға ўргатиш лозим.

2. **«Мутафаккир (фикрловчи)»** - ёпиқ ва мулойим. Б. Такман таъкидлайдики, агар «директор»ни «хўкиз»ға ўхшатсак, унда «Мутафаккир» ни «бойўғли»ға ўхшатиш мумкин. Улар барча маълумотларни, аниқ далилларни йиғиш ва топшириқларни аниқ бажариш қобилиятиға эга инсонлардир. Улар мустақил, таклиф этилган муаммони ўйлаб, аниқ ечишға ҳаракат қилишади, лекин жуда суст фаолият юритишади. Агар «директор» тезкор, шошилиб ва ишонч билан ҳаракат қилса, «мутафаккир» ўйлаб, ҳар бир жараёни ўлчаб кўриб қарор қабул қилади. Бундай талабалар билан ишлаш қийинчилик туғдирмайди, фақат уларға тўғри йўл-йўриқ бериш, уларнинг ҳаракатлари тўғри эканлигини уқтириш лозим. Улар учун ўз қобилиятлари доирасида ўз соҳаларини тўғри аниқлаш муҳим ҳисобланади.

3. **«Ижтимоий»** - очик, лекин бетга чопар, тўғри гап. Бундайлар кўп гапиришни, ишонтиришни ва кўшиб гапиришни яхши

кўришади. Улар тез қарор қабул қилишади ва ўз қарорларини осон ўзгартиришади. Шу сабабли бундайлар билан ишлаш ўқитувчига бироз муаммоларни келтириб чиқаради. Бундайларга алоҳида эътибор бериш, уларга алоҳида шахсий топшириқлар юклаш талаб этилади. «Социал» «директор» каби барчани эътиборини ўзига торттишга ҳаракат қилади, шу сабабли берилган вазифани ечишда ўз диққатини тўлиқ жалб эта олмайдилар.

4. «**Муомулали**» - очик ва мулойим. Муомулали гуруҳ иштирокчиси бўлиб ишлашни ёқтиради, ўзини гуруҳда яхши ҳис қилади. Ў ўзининг фикрларини шошилмасдан сабр билан изҳор қилади ва бошқаларнинг ушбу муаммо бўйича фикрларини ҳурмат қилади. Гуруҳ иштирокчилари билан келишган ҳолда қарорлар қабул қилади. Бундай талабаларни бошқа тип ва характердагилар билан ҳамкорликда кичик гуруҳларда ишлашда боғлаш осон кечади, Улар гуруҳ аъзолари билан тил топишишни билишади.

Машғулот давомида талабанинг характери қайси типга мансуб бўлишидан қатъий назар, уларнинг бирортаси ҳам педагог назаридан четда қолмаслиги зарур. Талабаларнинг психологик типларини гуруҳий ва жамоа турдаги фаолиятларда фарқлаш лозим. Албатта бу хусусиятларни талабаларда рефлексив қобилиятни шакллантиришда ҳам ҳисобга олиш зарур. Бундай қобилият фақат у ёки бу педагогик технология таъсирида шаклланмайди. Гуруҳдаги барча ўзаро муносабатлар тизими талабада объектив ўз-ўзини баҳолаш қобилиятини шакллантиришга қаратилган бўлиши зарур. Шу сабабли ушбу масала ечимига йўналтирилган махсус педагогик технологиялардан фойдаланиш яхши самара беради. Ана шундай технологиялардан бири «Талаба портфели (портфолиоси)» ҳисобланади.

1.4.Ўз-ўзини объектив баҳолашнинг мақсад ва моҳияти

Ўз-ўзини баҳолаш муаммоси - рефлексия муаммосидир.

Ўз-ўзини баҳолаш қобилиятини шакллантириш нима?

Бу:

➤ у ёки бу соҳадаги фаолият бўйича ўзининг шахсий натижаларини объектив баҳолашни билиш;

➤ ўз камчилик ва хатоларини тузатиш йўллларини тўғри аниқлай олиш;

➤ ўқитувчи, бошқа талаба ёки бошқа шахслар томонидан ўзига берилган баҳони объектив ва тўғри қабул қилиш.

Қуйида талабаларда ўз-ўзини баҳолаш қобилиятини шакллантиришга қаратилган педагогик технология тўғрисида тўхталамиз. Албатта биринчи навбатда бундай технологиянинг дидактик функциясини аниқлаш, унинг мақсадини белгилаш талаб этилади. Юқорида келтирилганлардан маълумки, ушбу технологиянинг асосий функцияси талабаларда ўз-ўзини баҳолаш қобилиятини шакллантиришдан иборат. Албатта бу ерда ташқи назоратга ҳам алоҳида эътибор қаратиш талаб этилади. Бу жуда муҳим. Чунки талабада ўз-ўзини баҳолаш қобилиятини шакллантиришда унинг фаолиятига ташқи экспертлар (ўқитувчи, ота-она, бошқа талабалар ёки шахслар) томонидан берилган баҳони ҳам билиш, уни тўғри ва объектив қабул қилиш лозим бўлади. Ўзининг турли соҳалардаги шахсий фаолияти натижаларига ўзи томонидан берилган баҳо билан ташқи экспертлар берган баҳони солиштириш, ўз позициясини фаол ҳимоя қилиш, баҳолашнинг асосланган, исботланган мезонлари асосида ҳимоя қилиш талаб этилади.

Ўз-ўзини баҳолаш тушунчаси ўзини назорат қилиш ва текширишдан фарқ қилади. Ўз-ўзини объектив баҳолаш учун талабада ўзининг маълум соҳа бўйича билимларини солиштириш учун баҳолаш шкаласи шаклланиши лозим. Бундай қобилият, яъни талабанинг ички фаолият дастурини шакллантиришда қандай технологиядан фойдаланиш талаб этилади, унинг мазмун моҳияти нима? «Талаба портфели» технологияси айнан ана шундай педагогик технологиялардан бири ҳисобланади.

II. ТАЛАБА ПОРТФОЛИОСИНИ ЯРАТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

2.1. Талаба портфолиосининг ўқув жараёнида тутган ўрни ва вазифаси

Ҳозирги кунда олий таълимда фойдаланилаётган талабалар билимини баҳолаш тест рейтинг тизимига асосланган бўлиб, талаба билимини баҳолашда асосий ҳал қилувчи шахс фан ўқитувчиси ҳисобланади. *Албатта рейтинг тизимининг ўзига хос ижобий томонлари кўп. Лекин, шу билан бир қаторда камчиликлардан ҳам ҳолис эмас. Ушбу камчиликларга асосан қуйидагиларни келтиришимиз мумкин:*

- талаба билими, ўқуви ва малакаси бир томонлама, яъни фақат фан ўқитувчиси томонидан баҳоланади;
- баҳолашда талабанинг фақат муайян фан бўйича билими ҳисобга олинади;
- талабанинг умумий ва касбий нутқ маданиятини шаклланишига тўсқинлик қилади;
- бўлажак кадрда касбий компетентликни шаклланганлик даражасини тўлиқ аниқлаш имконияти чекланган;
- олий ўқув юртидаги ўқув даври якуни бўйича аниқланган умумий балл иш берувчиларга тайёрланган кадрнинг сифати тўғрисида тўлиқ хулоса бермайди;
- талабанинг умумий рейтинг балини аниқлашда унинг бошқа соҳаларда эришган ютуқларини ҳисобга олиш имконияти кам;
- битирувчига тайёр кадр сифатида ўз-ўзига ишонч, ўз имкониятлари, қобилиятлари ва касбий компетентликга тайёрлиги тўғрисида ўзи хулоса чиқаришига асос яратмайди;
- талабада рефлексия қобилиятини ҳосил бўлишига тўлиқ шароит яратмайди.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда, халқаро таълим тизимидаги инновацион ўзгаришлар, ривожланган давлатлар таълим тизимидаги ижобий, замонавий педагогик технологияларга таянган ҳолда талабаларда умуммаданий, умумкасбий ва касбий компетентликни шакллантиришга йўналтирилган ўқув, ўқув-услубий, илмий ва ўқишдан ташқари фаолият натижаларини тўғри баҳолашга йўналтирилган назорат қилиш ва баҳолашнинг инновацион шаклларида фойдаланиш «Кадрлар тайёрлаш миллий

дастури» талаблари асосида рақобатбардош кадрлар тайёрлаш мақсадига мувофиқ ҳисобланади.

Талабанинг олий ўқув юртидаги барча турдаги фаолиятларини назорат қилиш ва баҳолашнинг инновацион технологияларидан бири сифатида «Талаба портфолиоси» етакчи ўрин эгаллайди. Ушбу технология айниқса ривожланган ғарб давлатлари олий таълим тизимида кейинги йилларда кенг қўлланилмоқда. Россияда эса 2003 йилдан эътиборан таълим тизимининг барча босқичларида, жумладан бошланғич таълим, умумий ўрта таълим, касбий таълим ва олий таълимда жорий этилган.

«Портфолио» фаолиятнинг турли йўналишлари бўйича талабанинг шахсий ютуқларини тасдиқловчи ҳужжатлар мажмуидир. Портфолиони яратиш талабанинг ижодий фаолияти ҳисобланиб, унга турли хил соҳа (ўқув, илмий—изланиш, спорт, ижодий, ижтимоий ва б.) бўйича фаолият натижалари олий ўқув юртида ўқиш жараёни даврида талаба томонидан киритилади.

Портфолиони яратишдан асосий мақсад талабанинг олий ўқув юртидаги ўқиш жараёни даврида эришган ютуқлари тўғрисидаги далилий ҳужжатларни тўплаш ва сақлашдан иборат. Портфолио нафақат талабанинг таълим соҳасидаги фаолияти натижаларини ўзи томонидан баҳолашнинг самарали шакли бўлиб қолмасдан, қуйидагиларга имконият туғдиради:

- таълим соҳасидаги ютуқларни далиллаштиради;
- иш рақобати бўйича тажриба ортдиради;
- касбий компетентликни ривожлантириш учун мустақил таълимни амалга оширади;
- ўзининг касбий компетентлик даражасини объектив баҳолаш малакасини ривожлантиради;
- бўлажак мутахассиснинг рақобатбардошлигини оширади.

Республикамиз олий таълим тизимида ушбу технологиянинг қўлланилиши амалдаги талаба билимини баҳолашнинг тест рейтинг тизимини инкор этмайди, аксинча уни тўлдиради. Ривожлантирувчи таълимга, инсонпарвар педагогика нуқтаи назаридан шахсга йўналтирилган таълимга ўтишга, талабаларда касбий компетентликни шакллантириш бўйича рефлексия ҳосил қилишга шароит яратади.

«Талаба портфолиоси»ни яратишдан мақсад нима?

Портфолио талабанинг маълум фан бўйича барча ишларини тўлиқ ёритиши керак. У ўз ичига фан бўйича барча турдаги

топшириқлар, лойиҳалар, маърузалар, ёзма ишларни қамраб олиши, талабанинг ушбу фан бўйича муваффақиятларини, фанга муносабатини, фанни ўзлаштириши ва тушунишини, муаммоли топшириқларни бажариш ва коммуникатив қобилиятини, унинг келажакда ушбу фан бўйича интилишлари ва ўзлаштиришини, ўзлаштириш усуллари кўрсатиб бериши зарур. Аниқлиқ ва нутқ, фикрни баён қилиш маданияти «портфолио» сифатини белгилловчи асосий омиллардан бири ҳисобланади.

Портфолиони яратишда асосан қуйидагиларга аҳамият бериш талаб этилади:

- ✚ талабанинг мустақил фикрлаши;
- ✚ «портфолио» яратишнинг вақт оралиғини белгилаш (семестр, ўқув йили ёки бутун ўқув жараёни бўйича);
- ✚ фан бўйича эришилган билимларнинг ўзаро боғлиқлиги ва асосланганлиги;
- ✚ таклиф этилган ишлар (лойиҳалар, мустақил ишлар, рефератлар ва б.) бўйича талабанинг ўз баҳоси;
- ✚ муаммоларни ҳал этиш жараёни, йўллари.

2.2. Талаба портфолиосининг мазмуни

Психологик-педагогик адабиётларда кўплаб компетентликга йўналтирилган педагогик технология ҳақидаги материаллар мавжуд. Ана шундай касбий таълим тизимида фаол фойдаланиладиган технологиялардан бири «Портфолио» ҳисобланиб, унинг мазмун-моҳиятини турли муаллифлар турлича изоҳлашади, жумладан:

- ✓ талабанинг турли соҳалардаги меҳнатининг мажмуаси бўлиб, у нафақат ўқув натижаларини, балки унга эришиш учун сарфланган куч ва меҳнатни ҳам кўрсатади;
- ✓ ўқишнинг маълум оралиғи даврида талаба эришган ютуқлар кўргазмаси;
- ✓ талабанинг ўқув натижаларини мақсадга йўналтирилган, тизимли ва узлуксиз баҳолаш ҳамда ўз-ўзини баҳолаш шакли.
- ✓ талабанинг топшириқларни танлашда бевосита иштирокини таъминловчи ҳамда ўз ишларини ўзи таҳлил қилиш ва баҳолаш имконини берувчи талаба ишларининг антологияси, яъни талабада рефлексия қобилиятини шакллантирувчи педагогик технология.

Рефлексиянинг маъноси ўз билими ва қобилиятини аниқлаш ва шунга боғлиқ ҳолда ютуқлари ҳамда имкониятларини баҳолаш, ўзини келажакда ривожлантириш учун тегишли хулосалар қабул қилишга қаратилган билиш жараёнидир. Рефлексия - инсоннинг ички руҳий потенциалини, алоҳида маънавий фаолиятини очиқ берувчи ва аниқловчи инновацион йўл бўлиб, у руҳан ўз-ўзини таҳлил қилиш, ўз камчиликлари билан курашиш, ўз кучи ва имкониятларига иккиланишларни бартараф этишга асослангандир. Шу сабабли портфолиони яратишдан мақсад ўқув натижалари бўйича талабанинг ривожланишини намойиш қилиш ва хулоса сифатида эътибор, «талаба билмайди ёки бажара олмайди»- деб эмас, балки «талаба билади ва бажара олади»- деб ишонч ҳосил қилишга қаратилиши лозим.

Портфолиони юритиш масъулияти талабага юкланади. Портфолио таркибига кирувчи барча материалларни талабанинг ўзи мустақил танлаши лозим. Ўқитувчи ва ота-она унга руҳан ва амалий ёрдам беришлари зарур.

«Талаба портфолиоси» - талабанинг билиш жараёнидаги ижодий меҳнати натижаларини ўзи томонидан объектив баҳолаш инструменти, шахсий фаолияти рефлексиясидир. У ҳужжатлар тўплами сифатида қуйидагиларни ўз ичига олади:

- талабага «портфолио»га жойлаштириш учун материаллар танлаш бўйича топшириқлар, кўрсатмалар;
- талабанинг ижодий фаолиятлари билан жиддий танишиб бориш, портфелга жойлаштирилган фаолият турларини баҳолаш омиллари ва мезонлари;
- портфолиони объектив баҳолаш учун экспертлар гуруҳи анкетаси.

Бундай «портфолио»ни анъанавий усулда ёки электрон шаклда таълим муассаси сайтида, оддий Word форматида яратиш мумкин. Ушбу папкага муаллиф учун рухсат берилади.

Талаба ўз хоҳишига кўра ёки ўқитувчи топшириғи асосида ўзининг турли ижодий соҳалардаги мустақил ишларини маълум кетма-кетлик асосида ўз портфолиосига жойлаштиради. Материаллар бир семестр бўйича, ўқув йили бўйича ёки бутун ўқув йиллари бўйича олиниши мумкин. «Портфолио» ёки ундаги алоҳида ишлар талаба томонидан олдиндан изоҳланади, яъни нима учун у айнан ушбу фаолият турини танлади, бу фаолият тури бўйича у қандай натижаларга эришди ёки эриша олмади,

Ўқитувчининг ушбу иш бўйича берган баҳосидан розими, ушбу иш натижалари бўйича қандай хулосаларга эга. Албатта ҳар қандай бундай иш йўл қўйилган хатоларни асосли равишда таҳлил қилишни талаб этади. Ўқитувчи алоҳида талабага ёки талабалар гуруҳига ўз фани бўйича шундай «портфолио» яратишни таклиф қилиши ва унинг таркибини кўрсатиб бериши мумкин. Бундай «портфолио»нинг асосий мақсади талабанинг ўз фаолиятини фикрлаб, асослаб ва аниқ далиллар асосида баҳолаш қобилиятини шакллантиришдан иборатдир. Белгиланган вақт ўтгач (семестр ёки ўқув йили) ёки аниқ ҳажмдаги ишлар тугагач, талабанинг хоҳиши билан ушбу дастур ёки лойиҳа бўйича талаба ўз портфолиосини тақдимот қилиши мумкин. Дастлаб тақдимотни кичик гуруҳда, кейин эса катта аудиторияда ташкил этиш лозим. Агар «портфолио» электрон шаклда яратилган бўлса, талаба ўз ҳамкорларини (талабаларни) ёки ўқитувчини ўз паролни ошкор қилиб, ушбу «портфолио» саҳифаларига киришига рухсат беради ва тақдимот тугагач паролни ўзгартиради. Талаба фаолиятини, яъни «портфолио» мазмунини баҳолаш учун ўқитувчи махсус экспертлар белгилайди. Материалларни машғулот даврида муҳокама қилиш мумкин. Агар бунинг учун алоҳида вақт, ўқув соати ажратилмаган бўлса off-line телеконференция режимида ёки дарсдан ташқари вақтда таълим муассаси сайти форумида амалга ошириш мумкин. Бундай форумда талаба ўзи танлаган ёки ўқитувчи томонидан таклиф этилган билим соҳаси бўйича бутун кучини берганлигини, унинг ўз фаолиятига берган баҳоси ўқитувчи ва экспертлар гуруҳи томонидан берилган баҳога мос ёки мос эмаслигини исботлаши зарур. У баҳоларни қайси жиҳатдан тўғри ёки нотўғри эканлигини кўрсатиши ва ўзининг келажақдаги ушбу билим соҳасидаги ижодий фаолияти режалари билан хулосалаши лозим.

Агар талабалар ўқитувчининг ўзига нисбатан яхши, очик ва самимий муносабатда эканликларини ҳис қилишса, албатта ўз фикрлари, тажрибалари ва кузатиш натижалари билан ўртоқлашадилар. Чунки, ҳар қандай талаба ёки шахс ўз ижодий меҳнати натижалари бўйича бошқалар фикрига безътибор бўлишмайди. Фақат шу йўл билангина шахсни камол топтириш, ўстириш мумкин. Агар талабада бундай ишонч бўлмаса, очик мулоқат юзага келмайди. Талаба юқорида кўрсатилган «портфолио»ни юритганда ҳам одатдагидек сукут сақлайди.

Талабаларни бундай технология асосида тарбиялаш ва уларга таълим бериш ривожланган давлатларда аллоқачон ўз ўрнини топган, чунки Интернет бу технологияни жорий этиш учун бир қанча қулайликларни ярата олади.

«Талаба портфолиоси» нафақат академик ўзлаштириш, балки талабанинг коммуникатив муваффақиятлари, муомула маданияти, спорт ва жамоат ишларидаги фаоллиги бўйича ҳам юритилиши мумкин. Бундай «портфолио» муҳокамасида (такдимотида) ота-оналарни ҳам фаол иштирок этишларини таъминлаш янада яхши натижаларга олиб келади. Ота-оналар ўз фарзандлари фаолияти натижаларини баҳолашлари учун ўқитувчи томонидан ёки эксперт гуруҳ томонидан таклиф этилган баҳолаш мезонлари ва параметрларидан фойдаланишлари мумкин.

Бундай «портфолио» муаллифининг ўз фикрлари ва ўз-ўзини баҳолаш натижалари муҳокамасида ушбу технология принциплари ва баҳолаш мезонларини қуйидагича белгилаш мумкин:

1. Аниқ билим соҳасидаги фаолият бўйича ўз-ўзини баҳолаш натижалари қуйидаги омиллар билан асосланади:

➤ маълум фан соҳаси бўйича билимларни ўқув дастурига мос келиши;

➤ билиш жараёнида талабанинг мустақил қарорлар қабул қилиш қобилияти, ўз қарорларининг оқибатларини билиш даражаси;

➤ талабанинг коммуникатив қобилиятларини хусусиятлари (баҳсларда қатнашиш, ўз қарорларини асослай олиши, материалларни раво ва содда тилда тушунтириб бера олиши).

2. Тизимли ва мунтазам ўз мониторингини олиб бориши. Талаба бирор фан бўйича ўз ютуқларини назорат қилиб боришни мақсад қилиб олса, у ушбу фан бўйича муҳим деб ҳисоблаган билимларини тизимий равишда «портфолио»га жойлаштириб боради. Унинг вазифаси- ушбу ишларни диққат билан таҳлил қилиб бориш, керакли ўзгартиришлар киритиш, унга тушунтиришлар бериш, ўз-ўзини баҳолаш бўйича қисқа ҳисобот тайёрлаш, яъни ушбу билим соҳаси бўйича у нималарни ўзлаштирди, нималарни ўзлаштира олмади ёки тушунмади, келажакда нималарга эътибор қаратиши лозим. Шунингдек у бу ерда ўз билимларига ўқитувчи, экспертлар ва ота-онаси томонидан қўйган баҳоларга ҳам фикрини билдириши мумкин.

3.»Портфолио» материаллари таркиби, барча ёзма тушунтиришларнинг мантикийлиги ва аниқлиги.

4. «Портфолио»да келтирилган материалларни тўлиқлиги ва мазмунан тугалланганлиги.

5. «Портфолио»ни тартиб билан ва эстетик жиҳатдан дид билан яратилганлиги.

6. «Талаба портфолиоси» тақдимотини кўргазмали, яққол ва асосланган ҳолда бўлиши.

2.3. Талаба портфолисining таркиби

Портфолио таркиби талабанинг семестр ёки ўқув йили давомидаги мустақил ишларидан иборат бўлмоғи лозим. Талаба ушбу «портфолио» орқали анжуманларда чиқиш қилиб, ўзининг мустақил фикрлашга, фан бўйича олган билимларини ижодий амалда тадбиқ этишга қодирлигини намойиш этган ҳолда, ўз-ўзига ушбу билим доираси бўйича шахсан баҳосини беради. Бу талабага ўз ютуқлари, олган билимлари ва ижодий ишларини мустақил таҳлил қилиш ва унга ўз баҳосини бериш, уни ўқитувчи ёки ҳамкорлари билан баҳам кўриш имконини яратади.

Бундай «портфолио» таркиби қуйидагича бўлиши мумкин:

- титул;
- мазмуни;
- ҳар бир материалнинг қисқача мазмуни ва талаба учун тушунчалар;
- нима учун ушбу материал ёки билим соҳаси олинганлик сабаби;
- портфолио ўқитувчи ва талабанинг ўзи томонидан қандай баҳоланганлиги;
- фан бўйича ютуқлари тарихи;
- «портфолио»ни яратиш муддати ва тақдимот вақти.

Муаллифга «портфолио»ни яратишда тўлиқ эркинлик берилади. Талабанинг дунёқарашлари, фикрларининг мантикийлиги, нутқ ва баён этиш маданияти, ўз фикрини исботлай олиши каби омиллар унинг фаолиятини баҳолашда асосий мезонлардан бири сифатида фойдаланилади. Айрим ҳолларда ўқитувчи «портфолио» таркибига ўз талабларини қўйиши ҳам мумкин.

Портфолио таркиби қуйидаги материаллардан иборат бўлиши мумкин:

Титул варақа - «портфолио»ни номи, талаба ф.и.ш., фаннинг номи, «портфолио»ни юритиш даври (семестр ёки ўқув йили), бошланиш ва тугаш санаси, ўқитувчи ф.и.ш.

«Портфолио» таркиби:

- фан бўйича талабанинг эришган ютуқлари (шахсий фаолият натижалари таҳлили, нимани ўзлаштириш осон, нима қийин кечяпти, ушбу қийинчиликлар моҳияти нимада ва б);

- ёзувлар, маърузалар, уй вазифалари (фаннинг турли бўлимлари бўйича камида 8 та топшириқ берилади, албатта бунда мустақил фикрлаш қобилияти, фикрларнинг оригиналлиги ҳисобга олинади, талаба битта муаммо ёки топшириқ ечимининг турли хил йўллари кўрсатиши зарур;

- назорат ва мустақил ишлар (камида 3 та мавзу бўйича 5-6 та мустақил иш);

- тестлар;

- ахборот технологияларидан фойдаланиш (ахборот технологиялари фойдаланилган камида 2 та мисол, дастурий материал);

- гуруҳий лойиҳалар (талаба иштирок этган ҳар бир лойиҳа батафсил ёзилади);

- сизнинг севимли ишингиз;

- талаба фаолияти бўйича баҳолар (ўқитувчи, ота-она ва экспертлар баҳоси).

Портфолио бўйича изоҳлар. Такдимотга тавсия этилаётган «Портфолио» материаллари пухта ўйланган, «портфолио»да келтирилган барча материаллар бўйича муаллифнинг шахсий фикрлари ёритилган бўлиши зарур. У талабанинг ушбу фан бўйича олган билимлари, бўш томонлари, келажакдаги режаларининг тўлиқ мазмунини кўрсатиши лозим.

2.4. Талаба портфолиосини баҳолаш мезонлари

Талаба ўз-ўзини баҳолашда ўз фаолиятига танқид нуқтаи назаридан қараши, нима учун айнан ушбу бўлим ёки мавзуларни танлаганлигини ўзи мантиқан билиши, бу унинг ушбу фан бўйича умумий билимида қандай рол ўйнаши мумкинлигини ифода этиши керак. «Портфолио» яратишдаги энг мураккаб масала – такдимотга лойиқ материалларни танлаш, ушбу материалларга тушунарли тилда, равон, мантиқан мазмунга бой ва қисқа изоҳ ёзиш ҳисобланади. Материалларни тўғри танлаш, уларга изоҳ ёзиш

ҳамда уни объектив баҳолашда қуйидаги саволлардан фойдаланиш мумкин:

Талаба фаолияти бўйича саволлар:

➤ Портфолиога материал танлашда сиз қандай ишларни амалга оширдингиз?

➤ Нимага эришдингиз, нималарда қийналдингиз?

➤ Портфолиода сиз қийналган бирор материал борми?

➤ Сизда портфолио яратиш бўйича мос намуна борми?

➤ Ахборотларни қандай ташкил қилдингиз?

➤ Муаммоларни қайтадан ёрита оласизми (топшириқни янада оддийроқ сўзлар билан)?

➤ Қайси сўзлар, иборалар бу ерда аҳамиятл리로қ бўлди, нима учун?

➤ Муаммони қайта ёритиш қанчалик рационал бўлди?

➤ Бу масала, муаммо қандай саволларни келтириб чиқариши мумкин?

➤ Сиз ушбу саволларга яқинроқ саволлар туза оласизми?

➤ Ушбу масалани ёки муаммони ҳал этишда сиз учун нималар энг қийин кечди?

➤ Ушбу масалани, муаммони ечиш билан сиз қандай янги билимларга эришдингиз?

➤ Ҳаётда ушбу масала, муаммого ўхшаш ҳолатлар бўлиши мумкинми?

➤ Сиз тавсия этган жавоб ушбу муаммо ечимининг ягона йўлими?

➤ Гуруҳий ишлашга қандай муносабат билдирасиз?

➤ Машғулотда сизга нималар ёқади, нималар ёқмайди?

➤ Ушбу масала сизнинг фан бўйича билимларингизни янада ортдиришда фойдали бўладими?

➤ Ота-оналар ёки тақризчиларга саволлар бера оласизми?

➤ «Портфолио»дан сизнинг биринчи таасуротингиз қандай?

Ўқитувчи фаолияти бўйича саволлар:

➤ Талабанинг «портфолио» материалларини тақдимот қилишида сизни нималар ҳайрон қолдирди, сиз кутмаган ҳолатлар борми?

➤ Ўз ишингиздан фахрланиш ҳисси борми?

➤ Ўз талабангизга келажакда ёрдам бериш учун нималар қилмоқчисиз?

➤ «Портфолио» материали қанчалик аниқ ва мантиқан тўғри ташкил этилган?

- «Талаба» ўз портфолиосини қанчалик мустақил яратди?
- «Портфолио»ни тузишда сиздан тез-тез маслаҳат олдимиз?
- «Портфолио»ни тузишда ўзи мустақил қандай материаллар ва технологиялардан фойдаланган?

Талаба портфолиосини ота-оналар ва тақризчи томонидан баҳолашда юқорида келтирилган саволлардан асос сифатида фойдаланиш мумкин.

Юқорида таъкидланганидек, талаба портфолиосини яратишнинг турли хил йўллари ва усуллари мавжуд. У албатта таълим йўналиши ёки фаннинг хусусиятига ҳамда портфолионинг давомийлигига (бошланиш ва тугаш вақтига) боғлиқ бўлади.

Энг муҳим ва асосий мақсад, талабани ўзининг шахсий ишларини, ютуқ ва камчиликларини ўзи объектив таҳлил қила олишга, имконият ва қобилиятларини кўра олишга, қийинчиликларни енгиш ва янада юқорироқ ютуқларга эришиш йўллари мустақил аниқлай олишга ўргатишдан иборат. Бундай ҳолда талабанинг ўқув жараёндаги ўз фаолиятига масъулияти янада онгли равишда кечади. Бу ерда ота-оналар ва ҳолис тақризчиларнинг фаол иштирок этишлари жуда муҳим ҳисобланади. Натижада талабанинг маълум соҳа бўйича таълим олишдаги объектив ривожланиши ўқитувчига ҳам, талабанинг ўзига ҳам яққол намоён бўлади. Талабанинг фан бўйича билимини, қобилиятини, интилишларини ва келажақдаги режаларини ҳолисона ва тўғри баҳолаш шароити яратилади. Талабада ўзига ишонч юзага келади.

2.5. «Талаба портфолиоси» турлари

Ривожланган давлатларда «портфолио» технологияси кейинги йилларда таълим тизимининг барча бўғинларида кенг қўлланилмоқда. Россияда талаба ёки талаба портфолиоси 2003 йилдан эътиборан турли моделларда таълим тизимининг барча бўғинларида тадбиқ этилмоқда.

«Талаба портфолиосини» яратишда унинг қуйидаги турларидан фойдаланиш мумкин:

1. Хужжатлар портфолиоси - таълим соҳасидаги шахсий ютуқлар учун берилган сертификатланган хужжатлар тўплами (синов дафтарчаси, дипломлар, сертификатлар, гувоҳномалар ва б.) Бу маълумотлар портфолиони сифат ва соний жиҳатдан объектив

баҳолаш имконини беради. Материаллар жадвал кўринишида босқичларга бўлиниб, балл ҳисобида баҳоланган ҳолда берилади. Хужжатлар ёки уларнинг нусхалари илова сифатида келтирилиши мумкин.

Ушбу вариантнинг афзалликлари: Якуний балл тизими портфолиони талабанинг таълим фаолияти бўйича рейтингини аниқлашнинг асосий механизми, талаба умумий рейтингининг асосий ташкил этувчисига айлантиради.

Чекланишлари, камчиликлари: бундай типдаги портфолио фақат талаба фаолияти натижалари тўғрисида маълумот беради. У талабанинг шахсий ривожланиш жараёнини, унинг турли соҳалар бўйича ижодий фаоллигини, ўқиш услубини ва қизиқишларини аниқлаш имконини бермайди.

1-жадвал

«Хужжатлар портфолиоси»нинг намунавий таркиби схемаси ва ундаги материалларни баҳолаш мезони

Фаолият соҳалари	Компонетлар	Натижалар (балллар)
Блок А Олимпиадалар	Вилоят: ғолиб, шаҳар: ғолиб, туман: ғолиб, ОЎЮ: ғолиб	5 4 3 2 1
Блок Б Бошқа сертификатлар	Қўшимча таълим тизими муассасалари, ОЎЮ, жамоат фондлари, маданий-таълим фондларининг тадбирлари ва танловлари ғолиби. Фалар бўйича курслар иштирокчиси, ОЎЮ ёки олий ўқув юртлариаро илмий жамиятлар аъзоси ва б.	5 4 3 2 1

2.«Ишлар портфолиоси» - талабанинг турли, жумладан ижодий, лойиҳавий, илмий-изланиш ва бошқа соҳалардаги ишлари, унинг ўқув ва ижодий фаолиятининг асосий шакл ва йўналишлари, илмий анжуманлар, танловлар, ўқув оромгоҳлари, электив курслардаги иштироки, турли амалиётлар, спорт ва бадий соҳалардаги муваффақиятлари акс этади. Бундай портфолио талабанинг ижодий китоби сифатида юритилади ва талабанинг турли соҳалардаги ишларининг намуналари матн кўринишида, электрон версиялар, расмлар, видео ёзувлар шаклида илова қилинади.

Афзалликлари: Бундай типдаги портфолио талабанинг ўқув ва ижодий фаоллиги динамикаси, унинг қизиқиш йўналиши, касбга тайёргарлик характери тўғрисида кенг тасаввур беради.

Чекланишлари, камчиликлари: Портфолионинг сифат жиҳатидан баҳоланиши якуний аттестация натижаларини тўлдиради, лекин талабанинг умумий таълим рейтингида асосий ташкил этувчи бўлиб ҳисобланмайди.

«Ишлар портфолиоси»ни тўлдиришнинг намунавий варианты

➤ **Лойиҳа ишлари.** Лойиҳанинг мавзуси, қисқа мазмуни ҳамда илова сифатида расмлар, ишнинг босма ёки электрон вариантлардаги матнлари келтирилади.

➤ **Тадқиқот ишлари ва рефератлар.** Реферат мавзуси, ҳажми (неча бет), иллюстрациялар ва б.

➤ **Техник ижод.** Модел, макет, асбоблар. Аниқ ишлар ва уларнинг мазмуни (тузилиши, иш принципи, техник тавсифи) баён этилади.

➤ **Ижодий фаолликнинг бошқа шакллари.**

➤ **Электив курс ва факультетлардаги иштироки.** Курс номи, муддати ва ўқиш шакли кўрсатилади.

➤ **Турли хил амалиётлар.** Меҳнат, ижтимоий, тил ўрганиш, педагогик, малакавий ва б. Амалиёт номи, жойи ва даври ёзилади.

➤ **Қўшимча таълим муассасалари ва турли хил ўқув курсларидаги машғулотлар.** Таълим муассасаси ёки ташкилот номи, ўқиш муддати ва натижалари келтирилади.

➤ **Олимпиада ва танловдаги иштироки.** Тадбир номи, ўтказилган вақти ва талабанинг натижаси қайд этилади.

➤ **Илмий анжуман, семинар ва оромгоҳлардаги иштироки.** Тадбир мавзуси, тадбирни ўтказган ташкилот, ўқув муассасаси номи ва талаба иштироки шакли.

➤ **Спорт бўйича натижалари.** Спорт мусабакаларидаги иштироки, спорт разрядининг мавжудлиги.

➤ **Бошқа фаолият турлари.**

2. Такризлар портфолиоси. Талабанинг турли соҳадаги фаолияти бўйича ўқитувчи, ота-онаси, курсдошлари, қўшимча таълим тизими ходимлари ва бошқа шахсларнинг хулосалари, такризлари ҳамда талабанинг фаолияти ва унинг натижалари бўйича ўз таҳлилларидан иборат бўлади.

Афзалликлари: Бу портфолио талабани ўқув-тарбиявий ва келажақдаги фаолияти билан боғлиқ бўлган жараёнларни англаш даражасини кучайтиради ҳамда ўз-ўзини баҳолаш механизмини яратиб беради.

Чекланишлари, камчиликлари: Тўпланган материалларни бир шаклга келтириш ва ҳисобга олишнинг мураккаблиги.

Такризлар портфолиосининг намунавий таркиби:

- бажарилган ишлар сифати бўйича такризлар;
- қўшимча таълим муассасасининг ижодий гуруҳларидаги ишлари, илмий-амалий анжуманлардаги чиқишлари бўйича такризлар.
- талабанинг ўз фаолияти бўйича хулосалари, баҳолари;
- кейинги фаолияти ёки кейинги босқичдаги ўқишни қандай ташкил этиш бўйича талабанинг ўз хулосалари;
- амалиётлар бўйича тавсия хатлар;
- бошқа соҳалар бўйича такриз ва хулосалар.

Юқорида таклиф этилган портфолио моделларини таҳлил қилган ва чуқур ўрганган ҳолда мураккаб портфолио, яъни барча моделларни биргаликдаги шаклида ёки оддий, ушбу портфолионинг биттасини юритиш мумкин.

Амалда портфолионинг қуйидаги турларидан фойдаланиш мумкин:

4. «Портфолио-коллектор». Бу портфолио талаба муаллиф бўлмаган материаллардан иборат бўлади. Бунга ўқитувчи томонидан тавсия этилган адабиётлар, қўлланма ва кўрсатмалар, электрон ўқув адабиётлари, ўқув-визуал материаллар, мақолалар, луғатлар ёки талабанинг ўзи мустақил топган адабиётлар ҳамда бошқа ўқув материаллари киради.

5. «Жараён портфолиоси» талаба томонидан ўқув, услубий, илмий-изланиш, ижодий, ахборот ва ижтимоий лойиҳаларни бажариш жараёнида эришган билими ва малакаларини мустақил қўллаш малакасини намоёни қилади. Портфолио талабанинг лойиҳалаш жараёнидаги барча босқичларни: муаммони аниқлаш, лойиҳани ишлаб чиқиш, лойиҳа бўйича фаолиятни режалаштириш ва ташкил этиш, технологик босқич (лойиҳани амалга ошириш), якуний босқич, тақдимот ва лойиҳани баҳолашни ўз ичига олиши керак.

6. «Кўрсаткичлар портфолиоси» талабанинг бирор бир соҳа бўйича маҳоратини ва кўрсаткичларини жамлаш ҳамда кўрсатиш мақсадида яратилади. Унга талабанинг ўзи ёки устози томонидан танлаган энг яхши ижодий ишларидан намуналар қўйилади.

7. «Баҳолаш портфолиоси» талабанинг олган билимлари ва малакасини назорат қилиш мақсадида тузилади ва у турли хил

назорат материалларидан: назорат ишлари, тестлар, схемалар, кроссвордлар ва бошқа топшириқлардан иборат бўлади. Баҳолаш портфолиоси ўқитувчи томонидан мустақил тузилади ва уни режалаштирилган, мақсадга йўналтирилган натижага эришиш учун ўз вақтида талабаларга тақдим этиши талаб этилади.

8. «Ютуқлар портфолиоси» талабанинг ўқув-тарбиявий жараёндаги энг яхши ишлари ва ютуқларини кўрсатувчи ҳужжатлардан ташкил топади. Бу портфолиога талаба ўз хоҳиши билан ўзининг энг яхши лойиҳаларини, олган ташаккурномалари, мақтов ёрлиқлари, дипломлари, тақризлар ва ўз фаолиятини намоёни қилувчи расмларни киритиши мумкин.

2.6. Талабанинг электрон портфолиоси- e-Portfolio

Кейинга вақтларда ривожланган давлатларида **e-Portfolio** деб номланувчи «Талабанинг электрон портфолиоси» кенг қўлланилмоқда. Бу оддий Word форматидаги папка бўлмасдан, махсус мультимедиа тизимида яратилган «портфолио» ҳисобланади. Талаба уни осонлик билан тўлдириши, таҳлил қилиши, янги материалларни жойлаштириши, ўзи танлаган ахборотларни бошқариши мумкин.

e-Portfolio нинг уч хил варианты тавсия этилади:

1.Ривожлантириш портфолиоси- *developmental* (ривожланишнинг хусусий компетенцияси).

2. Эришган ютуқлар портфолиси – *assessment*.

3. Намойиш портфолиси - *showcase* /

Ривожлантириш портфолиси (*developmental*) - шахсий ютуқлар ва камчиликлар рефлексияси учун қўлланилади. Бу босқичда талаба ва ўқитувчи ўртасида ўзаро алоқа, муносабат, таъсир асосий рол ўйнайди.

Эришган ютуқлар портфолиси (*assessment*) –талабанинг фан бўйича эришган ютуқлари ва билимини аниқ ва тўғри баҳолаш учун хизмат қилади.

Намойиш портфолиси (*showcase*) – ўқув курсини якунида яратилади ва талабанинг олган билимларини (тайёр кадр сифатида) потенциал иш берувчига тақдим қилиш ёки ўқишни давом эттиришга тавсия этиш мақсадида ташкил этилади. Бу турли кўринишдаги *Curriculum Vitae* ҳисобланади.

e-Portfolio юқорида келтирилган уч вариантнинг биргаликдаги кўринишида ҳам бўлиши мумкин. Бунда мультимедиа ахборотлардан ҳам фойдаланилади.

e-Portfolio талабанинг ўзлаштириши ва турли соҳалардаги эришган ютуқлари мониторингини юритишнинг принципиаль янги, рефлексияга асосланган воситаси бўлиб, талаба билими натижаларини балл тизимида эмас, балки сифат жиҳатдан баҳолаш имконини беради. **e-Portfolio** яратиш учун махсус дастурлар ишлаб чиқилган, масалан *Angel* қобиғи.

«**On-lain- portfolio**» турли кўринишда бўлиши мумкин. Масалан:

- курснинг умумий сайтида бунинг учун махсус ажратилган бир қанча хужжатлар ва материалларни юклаш орқали талаба томонидан тузилиши мумкин;

- талабанинг шахсий веб-варағини яратиш орқали тузилиши ва унга ўқув курси бўйича ўз тушунчалари асосидаги ҳисоботлар киритилиши мумкин.

2.7. «Талаба портфолиоси»ни яратиш бўйича тавсиялар

Портфолио талабанинг турли соҳалардаги фаолияти, жумладан ўқув-тарбиявий, ижодий, ижтимоий, коммуникатив ва б. бўйича эришган натижалари сифатини баҳолаш имконини беради.

Портфолионинг асосий мақсади - талабанинг таълим жараёнидаги фаолияти бўйича ҳисобот тақдим этиш, унинг алоҳида эришган таълим натижаларини яққол тасаввур қилиш, таълим тизимида ўз-ўзини ривожлантиришини таъминлаш, қобилиятларини намоёниш этиш ҳамда билим ва малакаларини амалда қўллашга ўргатишдан иборат.

Портфолио асосида талаба эришган ютуқлар ва билим олиш жараёни натижаларини сифат жиҳатидан ва соний баҳолаш мумкин.

Портфолио нафақат баҳолашнинг замонавий самарали шакли, балки қуйидаги муҳим педагогик вазифаларни ечишда фойдаланувчи технология ҳамдир:

- ❖ талабанинг юқори ўқув мазмунини қўллаб-қувватлаш;
- ❖ талабанинг фаоллиги ва мустақиллигини рағбатлантириш, таълим олиш ва мустақил таълим олишни кенгайтириш;

❖ рефлексив билим ва ўз-ўзини объектив баҳолаш фаолиятини ривожлантириш;

❖ мустақил ўқиш малакасини, шахсий ўқув фаолияти мақсадини белгилаш, режалаштириш ва ташкил этиш қобилиятини шакллантириш;

❖ талабанинг индивидуаль таълимига кўмак бериш;

❖ билимларни ижобий умумлаштириш учун қўшимча шароитлар ва имкониятлар яратиш.

Портфолиони юритилиши талабанинг билим олиш фаоллигини, ўзининг мақсад ва имкониятларини билиш даражасини оширади. Талабада ўз билим ва имкониятларини, иқтидорини баҳолаш ва у асосида мақсадни тўғри ва аниқ белгилаш, келажакни ўзига ишониб режалаштириш, олган билимларини ҳаётда амалда қўллашга ишониш ҳисси пайдо бўлади.

III. ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ТАЛАБАНИНГ ЎҚУВ-КАСБИЙ ПОРТФОЛИОСИНИ ЯРАТИШ УСЛУБИЁТИ

2.1. Олий таълим тизимида талаба портфолиосини яратиш ва амалда қўллаш имкониятлари

Педагогик баҳолашдаги замонавий тенденциялар баҳолашнинг янги технологиялари ва тизимини қўллашни талаб этмоқда. Бундай баҳолаш тизими талабанинг коммуникатив ва интеллукуал малакани ўзлаштириш даражасини, компетентликнинг ўсишини, ўқишдаги фаоллиги ва билимларни ўзлаштиришини, умуман бўлажак кадр сифатида тайёргарликнинг аниқ динамик ўзгаришини тўлиқ ҳисобга олишни талаб этади.

Ҳозирда Республикамиз олий таълими тизимида фойдаланиладиган баҳолаш тизими талабанинг ўқув йили давомида ўзлаштиришини ҳисобга олувчи, рейтинг балл тизимида асосланган технология ҳисобланади. Албатта тест тизимининг ижобий томонлари кўп. Лекин бу тизим фақат талабанинг ўқув фаолиятини, яъни фанлар бўйича ўзлаштириш даражасини ҳисобга олади. Бу тизимда талабанинг фан бўйича билимини фақат фан ўқитувчиси баҳолайди. Шунингдек, талабанинг бошқа соҳалардаги фаоллиги, ижодий ишлари, жамоат ишларидаги фаоллиги ҳисобга олинмайди. Бошқача айтганда талаба баҳо олиш учун ўқийди ва унга эришишга ҳаракат қилади. Талабада рефлексив қобилият ҳосил бўлишига ундовчи омиллар кам учрайди.

Олий ўқув юртини тугатган талаба ишлаб чиқаришга боргач, биринчи навбатда мутахассис сифатида ўз билими ва қобилиятига ишониши талаб этилади. Бунинг учун эса унда ўз-ўзини баҳолаш, яъни билим ва малака, қобилият, имкониятини объектив баҳолаш шаклланган бўлиши лозим.

Айнан портфолио технологиясини қўлланилиши талабанинг ички потенциалини тўлиқ намоён этиши, ўз-ўзини фаоллаштириш, ўз-ўзини баҳолаш имконини беради. Ушбу технологияда талаба билими фақат тўлиқ ўқитувчига боғлиқ бўлиб қолмасдан, у янада мустақил бўлади ва ўзи ҳам адекват ҳолатда ўз билимини баҳолайди, уни исбот қилади, яъни талаба ўз-ўзини ривожлантириш, такомиллаштириш, фаоллаштириш ҳамда баҳолаш учун ўқийди.

Ҳозирги кунда Республикамизда айнан алоқа, ахборот технологиялари ва телекоммуникация соҳасини янада ривожлантириш, ушбу соҳа бўйича кадрлар тайёрлашни тубдан қайтадан ислоҳ қилиш, тайёрланадиган кадрларни «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» талаблари асосида бўлишини таъминлаш талаб этилмоқда. Бундай кадрларни тайёрлаш, уларнинг сифатини баҳолаш албатта фақатгина ўқитишнинг янги, замонавий технологиялари асосида амалга оширилиши мумкин.

Республикамиз таълим муассасаларида инновацион педагогик технологиялар ва ўқитишнинг замонавий техник воситаларини қўлланилиши кадрлар сифатига салмоқли таъсир кўрсатмоқда. Инновацион педагогик технологияларни ривожланиши эса бевосита ахборот технологиялари ривожига, улардан таълим берувчилар ва олувчиларнинг фойдалана билиш даражасига боғлиқдир. Демак, педагогик технологияларни ривожидан кадрлар тайёрлаш сифатига, кадрлар сифати эса ишлаб чиқариш технологияларини такомиллашувига таъсир кўрсатади. Шу сабабли, педагогик ва ишлаб чиқариш технологиялари бир-бири билан узвий боғлиқ ҳолда, ахборот технологиялари ривожидан асосида такомиллашиб бориши, шунингдек ахборотлар макони таълим ва ишлаб чиқариш маълумотлари билан бойитилиб борилиши зарурдир.

Ҳозирги кунда Республикамиз таълим муассасалари ўқув жараёнида кўплаб инновацион педагогик технологиялардан фойдаланилмоқда, улар таълим мақсади ва мазмунига мос ҳолда такомиллаштирилмоқда. Ваҳоланки, замон талабига мос ҳолда ўқув жараёнида қўлланиладиган инновацион педагогик технологиялар талабада рефлексив компетентликни шаклланишига қаратилмоғи, яъни талаба таълим муассасасини ўзининг ўқув жараёнида олган умуммаданий, умумкасбий ва касбий малакасига ишонч билан тугаллаши ва бунга биринчи навбатда ўзи қаноат ҳосил қилиши лозим. Шу сабабли Республикамиз узлуксиз таълим тизимининг барча бўғинларида айнан юқоридаги мақсад ва йўналишга қаратилган «Талаба (талаба) портфолиоси» технологиясини амалда тадбиқ этиш таълим сифатини оширишда муҳим рол ўйнайди деб ҳисоблаймиз.

Ушбу педагогик технологияни амалда ўқув жараёнига тадбиқини таъминлаш мақсадида, ривожланган давлатлар таълим тизимида қўлланиладиган «Талаба портфолиоси» педагогик

технологиясини атрофлича таҳлили асосида Республикамиз олий таълим муассасаси талабасининг ўқув-касбий портфолиоси тўғрисида намунавий Низом ишлаб чиқилди.

3.2. Олий таълим муассасаси талабасининг ўқув-касбий портфолиоси тўғрисидаги намунавий

НИЗОМ

Умумий қоидалар:

Талабанинг ўқув-услугий портфолиоси талабанинг турли соҳалардаги фаолиятини назорат қилиш, баҳолаш, ривожлантириш ва талабада ўз-ўзини баҳолаш асосида рефлексия ҳосил қилишга қаратилган инновацион педагогик технология ҳисобланади.

Портфолио қуйидагиларга имкон яратади:

❖ ҳар бир талабанинг таълим муассасасида бутун ўқиш даврида компетентлигини шакллантиришнинг шахсий траекториясини режалаштириш ва тўғри ташкил қилишни амалга оширади;

❖ касбий компетентликни шаклланиш жараёнида талабанинг ўз-ўзини билими ва қобилиятларини, имкониятларини ҳамда камчиликларини тизимий ва мунтазам баҳолаб боришини таъминлайди;

❖ битирувчини касбий фаолиятга тайёргарлигини мунтазам кузатиб бориш ва объектив баҳолашга шароит яратади.

Портфолио анъанавий назорат шаклини тўлдириб, талабанинг барча соҳалардаги (ўқув, ижодий, ижтимоий, коммуникатив, илмий ва б.) фаолиятини ҳисобга олади.

Портфолио бир семестр, ўқув йили ёки таълим муассасасидаги бутун ўқиш даври учун тузилиши мумкин.

Портфолио талабанинг шахсий ижоди ҳисобланади ва уни шахсан ўзи электрон вариантда яратади. Портфолиога талабанинг ўқиш даврида эришган ютуқлар папкаси илова қилинади. Портфолионинг амал қилиш даври (семестр, курс ёки ўқиш даври якунида) тугагач талаба ўз портфолиосидаги материалларни тақдимот қилади.

Талабанинг ўқув-касбий портфолиосини яратиш мақсади:

➤ Талабанинг шахсий ўқув натижалари ва ютуқларини сон ва сифат жиҳатидан қайд этиб бориш;

➤ Талабанинг касбий компетентлик шаклланиш динамикасини тўғри режалаштириш ва объектив баҳолаш.

Талаба ўқув-касбий портфолиосининг функциялари.

1.Ўқитувчига ўз фани доирасида талаба компетентлигини шакллантиришни режалаштириш, мунтазам назорат қилиб бориш ва баҳолаш имконини беради.

2.*Талабанинг ўқув ва илмий ютуқлари баҳоси.* Ўқув курсларини ўзлаштириши асосида портфолио талабанинг муваффақиятли касбий ва академик карьераси учун зарур бўлган, компетентликга эришиш йўлидаги ютуқлари билан тўлдирилиб борилади.

3. *Касбий карьерага тайёргарлик баҳоси.* Портфолио талабанинг бутун ўқиш давридаги касбий ўсишини асословчи далилий материалларни ўз ичига олади.

Талаба фаолиятининг мазмуни:

- талаба компетентликни шаклланиши бўйича ўз фаолиятини режалаштиради;
- портфолиони тўлдириш мақсадида ўқитувчидан маслаҳат олиш учун мустақил мулоқат қилади;
- компетентликни шакллантиришда қўйилган мақсадга эришиш йўлидаги фаолияти натижаларини ўзи таҳлил қилади;
- портфолиони мустақил яратади, ундаги материалларни ўзи танлайди.
- ҳар ўқув йили якунида портфолиони факультет деканатига топширади;
- ўзини касбий фаолиятга тайёрлигини тасдиқловчи қисқа ҳисобот тайёрлайди;
- ишлаб чиқариш амалиёти якунида портфолиони тўлиқ тақдим этади;
- портфолио материаллари тақдимотини ўтказади.

Ўқитувчи фаолиятининг мазмуни:

❖ таълим дастурини амалга оширувчи ўқитувчи ўз фани доирасида талабада компетентликни шакллантириш бўйича ўз фаолиятини ташкил этишни режалаштиришда ёрдам ва маслаҳатлар беради;

- ❖ касбий компетентликни шакллантиришга йўналтирилган амалий топшириқлар ишлаб чиқади;
- ❖ бутун ўқиш даврида талабага маслаҳат бериб боради ва унинг фаолиятини мувофиқлаштиради;

❖ талаба фаолияти натижаларини баҳолайди ва ҳисобот даврида

талабада тегишли компетентликни шаклланган даражаси тўғрисида хулоса беради;

❖ портфолио тақдимотида иштирок этади, ҳар хил турдаги ва даражадаги танловлар тўғрисида талабаларга ахборот бериб боради.

Ўқув ишлари бўйича декан муовини фаолияти:

♦ ўқув жараёнида портфолиони тадбиқ этиш учун масъул ҳисобланади;

♦ ушбу йўналиш бўйича меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқади ва фаолият натижаларини умумлаштиради;

♦ факультет Илмий Кенгашида ушбу текхнология тадбиғи натижалари тўғрисида ахборот бериб боради;

♦ портфолиони тадбиқ этишда юзага келадиган муаммолар ва қийинчиликлар бўйича, ўқув-услубий семинарлар ҳамда маслаҳатлар ташкил этади.

Портфолио таркиби:

Талаба портфолиоси қуйидагиларни ўз ичига олади:

1. Портфолио эгаси тўғрисида маълумотлар (ФИШ, туғилган жойи ва йили, ҳақиқий яшаш манзили, ОЎЮ номи ва таълим йўналиши). Бу бўлимга талабанинг ҳаётӣ ҳамда касбий мақсад ва қизиқишлари тўғрисидаги маълумотлар ҳам киритилади.

2. Талабанинг умуммаданий, умумкасбий ва касбий компетентликни шакллантиришга йўналтирилган ўқув, ўқув-услубий, илмӣ ва ўқишдан ташқари фаолиятининг мазмуни.

Ҳар ўқув йили бошида талабанинг таълим дастурида ўқитиладиган фанлар ва ўқув ҳамда малакавий амалиётларни ҳисобга олиб талабада ўқув, ўқув-услубий, илмӣ ва ўқишдан ташқари фаолияти доирасида компетентликни шакллантириш режаси тузилади.

Ўқув йили якунида компетентликни шакллантириш мақсади йўлида қўлга киритилган муваффақиятлар талабанинг ўзи томонидан таҳлил қилинади ва баҳоланади.

3. Талабанинг касбий фаолиятга тайёрлигини асословчи хулоса қилинади.

Талаба портфолиосининг тўлиқ материали ва касбий фаолиятга тайёрлиги тўғрисидаги хулоса ўқитувчилар, талабалар, ота-оналар

ва ташқи экспертлар иштирокида талаба томонидан тақдимот этилади.

Портфолио мазмуни

- I. Портфолио муаллифи тўғрисида маълумотлар
- II. Умуммаданий, умумкасбий ва касбий компетентликни шакллантиришнинг асосий босқичлари мазмуни ва талабанинг турли соҳадаги фаолияти натижаларининг баҳоси.
- III. Талабанинг касбий хулосаси.

«Портфолио»ни тўлдириш тартиби

1. «Портфолио» талабанинг хоҳиши бўйича тузилади
2. «Портфолио» талаба томонидан қоғоз ва электрон вариантда, фаолиятнинг турли соҳаларидаги эришган ютуқлари бўйича олган дипломлар, сертификатлар, гувоҳномалар, фахрий ёрлиқлар ва ташаккурномалар илова қилинган ҳолда яратилади. Семестр сўнгида портфолио тақдим этилган материалларни кўриб чиқиш мақсадида гуруҳ раҳбари ёки академик маслаҳатчига, кафедра мудирига тақдим этилади.
3. Талаба портфолионинг қоғоз ва электрон вариантыни семестр ва ўқув йили якунида деканатга топширади.
4. Факультет декани ёки муовини портфолио материалларини кўриб чиқади ва уни стипендия комиссиясига тақдим этади.
5. Олий ўқув юртидаги ўқув даври тўлиқ тугагач, талаба ўз портфолиосини тақдимот қилади. Тақдимотда иш берувчилар, оналар ва ташқи экспертлар ҳам қатнашишади. Тақдимот бакалаврни ишлаб чиқаришда фаолият юритишга қанчалик тайёр эканлиги тўғрисида аниқ хулоса беради.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

Олий таълим муассасаси номи

факультет, курс, гуруҳ

талабасининг ўқув-касбий

П О Р Т Ф О Л И О С И
(намуна)

Бошланиш санаси «___» _____ 201__ й
Тамом бўлиш санаси «___» _____ 201__ й

Қарши 201__ й

**I. ПОРТФОЛИО ЭГАСИ ТЎҒРИСИДА
МАЪЛУМОТЛАР**

РАСМ

Фамилияси _____

Исми _____

Шарифи _____

Туғилган йили _____

Туғилган жойи _____

Яшаш манзили _____

Алоқа телефони _____ Электрон почтаси _____

Факультет номи _____

Курс _____ гуруҳ _____

М.Ў. Факультет декани _____
Имзо ф.и.ш.

ҚИСКАЧА БИБЛИОГРАФИК МАЪЛУМОТ

(*ҳаётий ҳамда касбӣ мақсад ва қизиқишлари тўғрисидаги
маълумотлар*)

This image shows a full page of blank white paper with horizontal ruling lines. The lines are evenly spaced and run across the width of the page, providing a template for writing or drawing. There are no margins, text, or other markings on the paper.

МЕНИНГ ҲАЁТИЙ ШИОРИМ:

II. Умуммаданий, умумкасбий ва касбий компетентликни шакллантиришнинг асосий босқичлари мазмуни ва талабанинг турли соҳадаги фаолияти натижаларининг баҳоси

(Бу бўлимга талабанинг ўқув, ўқув-услубий, илмий, ўқишдан ташқари соҳалар бўйича эришган ютуқлари ҳамда компетентликни шакллантириш мақсадига эришишдаги фаолияти натижаларининг таҳлили талабанинг ўзи томонидан ёритилади).

УМУММАДАНИЙ КОМПЕТЕНТЛИК (УМК)

УМК-1- маданий фикрлайди, ахборотларни қабул қилиш, умумлаштириш ва таҳлил қилиш, мақсадни ва унга эришиш йўллари тўғри белгилаш қобилиятига эга.

УМК-2- дунёвий, ижтимоий ва шахсий аҳамиятга эга бўлган фалсафий муаммоларни таҳлил қила олади.

УМК-3- Маданиятнинг моҳиятини тушуна олади ва замонавий толерантлик, диалог ҳамда иттифоқчилик принципларидан ўз фаолиятида фойдаланади.

УМК-4- ўзининг таълим олиш ва касбий фаолиятида дунёнинг замонавий табиий-илмий картинаси тўғрисидаги билимлардан фойдаланиш қобилиятига эга, ахборотларни математик қайта ишлов бериш усуллари ҳамда назарий ва тажрибавий тадқиқотларни қўллай олади.

УМК-5- соғлигини тиклаш ва организмининг мослашувчанлик захирасини ошириш учун жисмоний тарбия ва ўз-ўзини тарбиялаш услубларидан фойдаланишга тайёр.

УМК-6- мантиқан тўғри оғзаки ва ёзма нутқни баён этиш қобилиятига эга.

УМК-7- ўзаро таъсир ва жамоада ишлашга тайёр.

УМК-8- ахборотларни қабул қилиш, сақлаш, қайта ишлашнинг асосий услуб, усул ва воситаларидан фойдаланиш ҳамда ахборотларни бошқариш воситаси сифатида компьютерларда мустақил ишлай олади.

УМК-9- глобал компьютер тармоғида ахборотлар билан ишлай олади.

УМК-10-чет эл адабиётларидан касбий фаолияти соҳаси бўйича ахборотларни олиш ва таҳлил қилиш имкони даражасида чет тиллардан бирини била олади.

УМК-11- фавқулодда ҳолатлар (техноген, антропоген, экологик ҳалокатлар ва табиий офатлар) дан ҳимояланиш усуллари била олади ва ундан фойдаланиш малакасига эга.

УМК-12- замонавий ахборотлашган жамият ривожидаврида ахборотларнинг моҳияти, мазмуни ва аҳамиятини тушунади, ушбу жараёнлардаги хавф ва таҳдидларни тўғри англайди, ахборот хавфсизлиги ва давлат сирлари бўйича барча талабларга амал қилади.

УМК-13- ўз фаолиятида меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардан фойдаланишга тайёр.

УМК-14- ижтимоий ва маданий фарқларни бағрикенглик (толерантлик) принципи асосида қабул қилади, тарихий ва маданий қадриятларни ҳурмат қилади ва сақлайди.

УМК-15-тарихий жараёнларни ҳаракатлантирувчи кучларини, тарихий жараёнларда инсоннинг ўрнини, жамиятнинг сиёсий ташкилотларини тушуниш қобилиятига эга.

УМК-14- жамоа орасида нутқ маданияти илмларидан фойдаланиш, баҳс ва мунозара юритиш қобилиятига эга.

Компетентликни ривожлантириш бўйича режавий фаолият		Натижалар баҳоси ва изоҳлар
<i>Ўқув фаолияти</i>		
2012/2013 ўқув йили		
2013/2014 ўқув йили		
2014/2015 ўқув йили		
2015/2016 ўқув йили		
<i>Ўқув –услубий ва илмий фаолият</i>		
2012/2013 ўқув йили		
2013/2014 ўқув йили		

2014/2015 ўқув йили		
2015/2016 учебный год		
<i>Дарсдан ташқари фаолият</i>		
2012/2013 ўқув йили		
2013/2014 ўқув йили		
2013/2014 ўқув йили		
2015/2016 ўқув йили		
УМУМКАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИК (УКК) УКК-1- келажакдаги ўз касбининг ижтимоий аҳамиятини англайди, касбий фаолиятни амалга ошириш йўллари билади. УКК-2- ижтимоий ва касбий вазифалар ва муаммоларни ечишда гуманитар, ижтимоий ва иқтисодий фанлар назарияси ва амалиётдан тизимли фойдалана олади. УКК-3- касбий маданият нутқи асосларини эгаллаган. УКК-4-ўзининг касбий фаолияти натижалари бўйича жавобгарлик ҳис қила олади. УКК-5- касбий мулоқат даражасида битта чет тилини билади. УКК-6-касбий ва ижтимоий аҳамиятга эга матнларни тайёрлаш ва таҳрир қилиш қобилиятига эга. УКК-7- талабаларнинг турли хил ўқув-изланиш ва лойиҳавий фаолиятларини ташкил эта олади.		
Компетентликни ривожлантириш бўйича режавий фаолият		Натижалар баҳоси ва изоҳлар
<i>Ўқув фаолияти</i>		
2012/2013 ўқув йили		

2013/2014 ўқув йили		
2014/2015 ўқув йили		
2015/2016 ўқув йили		
Ўқув –услугий ва илмий фаолият		
2012/2013 ўқув йили		
2013/2014 ўқув йили		
2014/2015 ўқув йили		
2015/2016 учебный год		
Дарсдан ташқари фаолият		
2012/2013 ўқув йили		
2013/2014 ўқув йили		
2013/2014 ўқув йили		
2015/2016 ўқув йили		
КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИК (КК) (касбий таълим йўналиши учун) КК-1-турли таълим муассасаларида таянч ва электив курслар ўқув дастурини амалда тадбиқ этиш қобилиятига эга. КК-2- таълим муассасасининг аниқ таълим босқичида ўқув-тарбиявий ишлар сифатини таъминлаш мақсадида замонавий услуб ва технологияларни, жумладан ахборот технологияларини қўллай олади КК-3-тарбияланаётган ва ўқиётган ёшлар ютуқларини замонавий услубда аниқлаш, талабаларнинг касбий ва ижтимоий фаолиятлари жараёнларини ўзлари аниқлашларида, уларни касб танлашларида онгли равишда ёндошишларига кўмак ва		

педагогик ёрдам бериш қобилиятига эга.

КК-4- ўқув-тарбиявий жараён сифатини таъминлашда таълим муҳитининг барча имкониятлари, жумладан ахборот технологияларидан фойдаланиш қобилиятига эга.

КК-5-ўқув тарбиявий жараён сифатини оширишга манфаатдор шахслар, ота-оналар, ижтимоий шериклар, иш берувчилар ва ҳамкасблар билан ўзаро мулоқат қилишга тайёр.

КК-6- таълим олувчилар ва тарбияланувчилар билан ҳамкорликни ташкил этишга қобилиятли.

КК-7- ўқув-тарбиявий ва ўқишдан ташқари фаолиятда ўқувчиларнинг ҳаёти ва соғлигини таъминлашга тайёр.

КК-8-ўз фани бўйича билимларни намоёни қилиш, амалда қўллаш, танқидий баҳолаш ва тўлдириш қобилиятига эга.

Компетентликни ривожлантириш бўйича режавий фаолият		Натижалар баҳоси ва изоҳлар	
Ўқув фаолияти			
2012/2013 ўқув йили			
2013/2014 ўқув йили			
2014/2015 ўқув йили			
2015/2016 ўқув йили			
Ўқув –услубий ва илмий фаолият			
2012/2013 ўқув йили			
2013/2014 ўқув йили			
2014/2015 ўқув йили			
2015/2016 учебный год			
Дарсдан ташқари фаолият			
2012/2013 ўқув йили			

2013 – 2014 ЎҚУВ ЙИЛИ

I. Ўқув фаолияти

(факультет деканати томонидан тўлдирилади)

1.1. Асосий таълим дастурини ўзлаштиришдаги натижалари

№ п/п	Ўзлаштириш даражаси	Натижалар (охирги сессия бўйича баҳоси, балл)	Охирги икки сессия бўйича баҳоси (балл)
	Юқори 86% ва ундан катта Ўрта 71-85% Паст 55-70%		

1.2. Таълим дастурини қўшимча ўзлаштиришдаги ютуқлари (мутахассислик бўйича)

№ п/п	Асосий таълим дастурига кирмайдиган курслар	Номи (қўшимча курсни ўтаган вақти)	Тасдиқловчи ҳужжат (сертификат, гувоҳнома ёки диплом)
1.			-

1.3. Чет тиллар бўйича танловларда иштироки

№ п/п	Танлов номи	Ўтказилган жойи ва вақти	Тасдиқловчи ҳужжат (фахрий ёрлик, ташаккурнома хат, диплом)
1.			

II. Илмий-тадқиқот ишлари

2.1. Илмий анжуманлардаги иштироки

№ п/п	Анжуман номи	Анжуман жойи ва вақти	Маъруза мавзуси, чоп этилганлиги (номи, нашр маълумотлари), дипломлар
1.			

2.2. Журнал ва тўпламлардаги нашрлар

№ п/п	Номи	Нашриёт, журнал (номери, нашр йили)	Ҳажми, бет	Ҳаммуаллифлар
1.				

III. Талабанинг маданий –иждодий соҳадаги муваффақиятлари

№ п/п	Фаолият тури	Танловлар, фестивал ва кўрикларда иштироки	Сана	Натижаси (сертификат, фахрий ёрлиқ, диплом ва б)
1.				

IV. Спорт соҳасидаги фаолияти ва ютуқлари

№ п/п	Спорт тури	Мусобақаларда иштироки (мусобақа даражаси)	Мусобақа санаси	Натижаси (разряд ёки унвон, сертификат, фахрий ёрлиқ, диплом)
1.				

V. Жамоат ишларидаги фаолияти

5.1. Талабаларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари ва «Камолот» ЁИХ фаолиятидаги иштироки

№ п/п	Талабаларнинг ўз-ўзини бошқариш органи, бирлашма номи	Фаолият тури (топширик)	Фаолият даври	Натижаси (сертификат, фахрий ёрлиқ, диплом ва б)
1.				

**5.2. Анжуманлар, кўргазмалар, спорт мусобақалари,
интеллектуаль ўйинлар, чет эл делегациясини кутиб олиш ва
турли тадбирлардаги иштироки**

№ п/п	Тадбир номи	Фаолият тури (топширик)	Тадбир ўтган сана	Натижаси (сертификат, фахрий ёрлик, диплом ва б)
1.				

**5.3. Ижтимоий лойиҳаларда иштироки
(Волонтерлик фаолияти)**

№ п/п	Фонд номи, ташкилот	Фаолият тури	Сана	Натижаси (сертификат, фахрий ёрлик, диплом ва б)
1.				

VI. Бошқа соҳалар бўйича фаолияти ва ютуқлари

№ п/п	Тадбир номи	Фаолият тури (топширик)	сана	Натижаси (сертификат, фахрий ёрлик, диплом ва б)
1.				

Тўлдирилган сана _____

Талаба

имзо

ф.и.о.

Гуруҳ раҳбари

имзо

ф.и.о.

Кафедра мудири

имзо

ф.и.о.

Факультет декани

имзо

ф.и.о.

ХУЛОСА

Ўқув жараёнини замонавий педагогик ва ахборот технологиялари асосида ташкил этиш таълим тизимининг энг муҳим ва долзарб муаммоларидан ҳисобланади. Бу муаммоларни қуйидагилар билан изоҳлаш мумкин:

1. Таълим парадигмасининг ўзгариши таълим тизимининг мақсади, мазмуни, услублари ташкилий шакллари ва воситаларини қайта кўриб чиқишни ва ислоҳ қилишни талаб этмоқда. Ҳозирги вақтда функционал саводхонлик тўғрисида сўз юритилмоқда. Талабага муайян йўналиш бўйича таълим бериш билан чекланмасдан, унда умуммаданий, умумкасбий ва касбий компетентликни ҳосил қилишда талабанинг ўз-ўзини фаоллаштириш, ўз-ўзини баҳолаш қобилиятларини юзага келтириш, рефлексия ҳосил қилиш замон талаби ҳисобланмоқда. Шу сабабли ўқитишнинг янги концепцияси принципларини ёритувчи замонавий педагогик технологияларни билиш ва амалда ўқув жараёнига тадбиқ этиш энг долзарб масала ҳисобланади.

2. Ҳозирги кунда олий таълим ҳамда педагоглар малака ошириш тизими ўқув жараёнида инновацион педагогик технологияларни қўлланилишини талаблар даражасида деб бўлмайди.

3. Талабалар билимини баҳолашнинг рейтинг тизими фақат муайян фан бўйича талаба билимини ҳисобга олишга асосланган. Талаба билими бир томонлама фақат фан ўқитувчиси томонидан баҳоланади. Бу эса талабада рефлексив қобилиятни шаклланишига тўсқинлик қилади, талабада ўз-ўзини фаоллаштириш, ўз-ўзини баҳолаш имконияти етарли бўлмайди.

4. Ўқитишнинг инновацион педагогик технологияларини ўқув жараёнига тадбиқ этиш билан бир вақтда талаба билими, уқуви ва малакасининг ривожланишини мунтазам назорат қилиш ҳамда баҳолашнинг замонавий технологияларидан ҳам фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

5. «Талаба портфолиоси» талабанинг турли соҳалардаги фаолиятини назорат қилиш, баҳолаш, ривожлантириш ва талабада ўз-ўзини баҳолаш асосида рефлексия ҳосил қилишга қаратилган инновацион педагогик технология ҳисобланади.

6. Талаба портфолиоси касбий компетентликни шаклланиш жараёнида талабанинг ўз билими ва қобилиятларини,

имкониятларини ҳамда камчиликларини тизимий ва мунтазам баҳолаб боришини таъминлайди;

7. Талаба портфолиоси анъанавий назорат ва баҳолашнинг рейтинг тизимини инкор этмайди, аксинча уни тўлдириб, талабанинг барча соҳалардаги (ўқув, ижодий, ижтимоий, коммуникатив, илмий ва б.) фаолиятини ҳисобга олиш имконини беради.

8. Портфолио талабанинг шахсий ижоди ҳисобланади ва уни шахсан ўзи электрон вариантда яратади.

9. Талаба портфолиосининг амал қилиш даври (семестр, курс ёки ўқиш даври якунида) тугагач, талаба ўз портфолиосидаги материалларни тақдимот қилади. Тақдимотда ўқитувчилар, оналар, ташқи экспертлар ва иш берувчилар қатнашади. Бу битирувчининг касбий фаолиятга қанчалик тайёрлигини аниқ баҳолаш имконини беради.

10. Қўлланмада ишлаб чиқилган олий таълим муассасаси талабасининг ўқув-касбий портфолиоси тўғрисидаги намунавий НИЗОМ ва талаба портфолиоси намунасидан амалда фойдаланиш ўқув жараёни сифатини оширишга ва рақобатбардош кадрлар тайёрлашга янада кенг шароит яратади.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида” ги Қонуни.
2. Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Тошкент; “Шарқ”, 1997, 20-29 бетлар.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги Қонуни. //Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. –Тошкент; “Шарқ”, 1997, 31-61 бетлар.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 30 майдаги «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида»ги фармони.
5. Ўзбекистон республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 6 июндаги 200-сонли «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот коммуникация технологияларини жорий этиш чора–тадбирлари тўғрисида»ги қарори.
6. А.Парпиев, А.Марахимов, Р.Ҳамдамов, У.Бегимкулов, М.Бекмурадов, Н.Тайлоқов. Электрон университет. Масофавий таълим технологиялари ЎЗМЭ давлат илмий нашриёти. -Т.: 2008, 196 б.
7. Абдукадиров, Абдукаххор Абдувакилевич. Масофали уқитиш назарияси ва амалиёти. монография / А. А. Абдукадиров, А. Х. Пардаев; ред. М. Содикова. - Т. : Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси " ФАН " нашриёти, 2009. - 145 с
8. Электрон дарслик VBA Шаг за Шагом. <http://www.firststeps.ru> саҳифаси. 2004й.
9. Internet, internet va axborot himoyasi/ <http://www.freenet.uz>. Mualliflar: Hasanov P./ Isayev R. va boshqalar. Toshkent-2000.
10. Арипов М.М. ва бошқалар. Информатика, информацион технологиялар, 2-қисм.-Тошкент, «ТДТУ», 2003, 430б.
11. Полат Е.С., Бухаркина М.Ю. Современные педагогические и информационные технологии в системе образования.-М: «Академия», 2007
12. Смирнов С.А., Котова И.Б., Шиянов Е.Н. и др. Педагогика: педагогические теории, системы, технологии.- М,: «Академия», 2007
13. Кларин М.В. Инновации в мировой педагогике.-Рига, 1995

14. Портфолио студента образовательного учреждения СПО: Методические рекомендации по структуре, технологии организации и оценке (рейтингованию) «портфолио достижений студента».-М.: Е-медиа, 2007й.

15. Бахарева М.В., Никитина Э.В., Угольников Е.Г. Использование технологии «учебный портфолио» // Приложение к журналу среднее профессиональное образование. 2006. № 1. С. 41-45.

16. Голуб Г.Б., Чуракова О.В. Портфолио в системе педагогической диагностики // Школьные технологии. 2005. № 1. С. 181-195.

17. Загвоздкин В.К. Роль портфолио в учебном процессе. Некоторые психолого-педагогические аспекты (на основе материалов зарубежных источников) // Психологическая наука и образование. 2004. №4. С.5-10.

18. Зеленко Н.В., Могилевская А.Г. Портфолио будущего педагога // Стандарты и мониторинг в образовании. 2009. №1. С. 61-63.

19. Курдюмова И.М. Оценка качества профессионального образования в Великобритании. – М.: Издательский центр НОУ ИСОМ, 2003. 36 с.

20. Никитина С.И. Портфолио по информатике // Информатика и образование. 2008. № 6. С. 29-34.

21. Новикова Т.Г., Пинская М.А., Прутченков А.С. «Портфолио» - новый и эффективный инструмент оценивания // Директор школы. 2008. № 2. С. 32-35.

22. Переверзев В.Ю., Синельников С.А. Электронное портфолио студента как инновационное оценочное средство // Среднее профессиональное образование. 2008. №1. С. 71-73.

23. Портфолио учителя / сост. Л.П. Макарова. – Волгоград: Учитель, 2010. 102 с.

24. Смолянинова О.Г. Е-портфолио в оценивании образовательных достижений и профессиональном развитии магистров // Информатика и образование. 2009. №12. С. 121-122.

25. Федотова Е.Е., Новикова Т.Г., Прутченков А.С. Портфолио как система альтернативного оценивания в практике зарубежной школе // Школьные технологии. 2005. №3. С. 171-180.

26. Рахимов О.Д. Инновацион педагогик технологиялар. //Педагоглар учун қўлланма. Қарши, 2011й., 64 бет.

27. Рахимов О.Д., Сапаев М.С., Назаров Б.Ф. Замонавий маърузалар. -Педагоглар учун қўлланма. Қарши, 2012й., 68 б.
28. Рахимов О.Д., Турғунов О.М., Мустафаев Қ.О. Олий таълимда масофавий ўқитишни ташкил этиш.- Қарши, 2012й. 60 б.
29. Рахимов О.Д., Мустафаев Қ.О., Зоиров Н.И. Масофавий таълимнинг дидактик таъминоти. - Қарши,2012, 46 б.
30. Ҳаёт фаолият хавфсизлиги /ўқув услубий мажмуа.- Қарши, 2012, 857б.
31. Рахимов О.Д., Турғунов О.М., Мустафаев Қ.О., Рўзиев Ҳ.Ж. Замонавий таълим технологиялари. /Тошкент, «Фан ва технологиялар» нашриёти, 2013й, 170б.

Электрон ресурслар

32. www.bilim.uz, www.borland.ru, www.microsoft.com
33. <http://www.curator.ru/method.html>
34. <http://cdo.bseu.by/>
35. <http://www.prometeus.ru/>
36. <http://www.websoft.ru>
37. <http://www.stel.ru/do/>
38. <http://www.redcenter.ru>

МУНДАРИЖА

Кириш	3
I. Талабаларда ўз-ўзини ривожлантириш ва баҳолаш қобилиятларини шакллантириш	6
1.1. Инсонпарвар педагогикада шахсга йўналтирилган таълим тушунчаси	6
1.2. Талабаларда ўз-ўзини фаоллаштириш ва ривожлантириш қобилиятларини шакллантириш ..	7
1.3. Талабаларда ўз-ўзини объектив баҳолаш қобилиятларини шакллантириш	9
1.4. Ўз-ўзини объектив баҳолашнинг мақсад ва моҳияти	13
II. «Талаба портфолиоси»ни яратиш технологияси	15
2.1. Талаба портфолиосининг ўқув жараёнида тутган ўрни ва вазифаси	15
2.2. «Талаба портфолиоси»нинг мазмуни	17
2.3. Талаба портфолиосининг таркиби	21
2.4. Талаба портфолиосини баҳолаш мезонлари	22
2.5. Талаба портфолиоси турлари	24
2.6. Талабанинг электрон портфолиоси- e-Portfolio ...	28
2.7. «Талаба портфолиоси»ни яратиш бўйича тавсиялар	29
III Олий таълим муассасаларида талабанинг ўқув-касбий портфолиосини яратиш услубиёти	31
3.1. Олий таълим тизимида талаба портфолиосини яратиш ва амалда қўллаш имкониятлари	31
3.2. Олий таълим муассасаси талабасининг ўқув-касбий портфолиоси тўғрисидаги намунавий НИЗОМ	33
3.3. Олий таълим муассасаси талабасининг ўқув-касбий портфолиоси (намуна)	37
Хулоса	49
Адабиётлар	51

Рахимов Октябрь Дўстқобирович

ИННОВАЦИОН ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР:

талаба портфолиоси-

билимни назорат қилиш ва баҳолашнинг қўшимча

технологияси сифатида

Босишга рухсат этилди 3.09.2013й. Бичими 60x84 1/16.

“Times New Roman” ҳарфида терилди. Нашр табоғи 4,0. Адади 100.

Буюртма №____

Тошкент ахборот технологиялари университети Қарши филиали

Муаллиф мушоҳадаси тўртликларда!

Бахтга тўлдинг тақдиримдан ўргилай дединг,
Ғамга ботдинг шўрпешона тақдирим дединг.
Барчасига тақдир эмас ўзинг айбдорсан,
Асл душман нафсинглигин қачон билурсан.

* * *

Яшаяпман шу ёлғончи дунёсида,
Бўлдим дунё йиққанларнинг даврасида.
Майли дунё йиғаверсин, лекин бўлдим,
Қанча дунё йиққанларнинг таъзиясида.

* * *

Рухим тинч қўй мени, мен ҳам дам олай,
Майли ташлаб кет танимни, мен жонсиз қолай.
Ўқиганим барчаси рост, кўрганим ёлғон
Қайтиб келма, то иккиси бўлгунча равон.

* * *

Ҳаётда ҳикмату-ҳадислар кўп-кўп,
Ўргатдинг, ўргатдинг билмаганга хўп,
Амал қилганингда уларга зора,
Бошинга ғам-кулфат ёғмасди тўп-тўп.

* * *

Ҳаёт сирли ўйин, унда ўйнолсанг яхши,
Ҳаёт сирли чолғу, уни чалолсанг яхши.
Сирли ўйнаб, ўз чолғунгни чала билмасанг,
Бошқаларнинг чолғусига ўйнайсан яхши.

* * *

Тез бўл дема биродар, ўзи тезоб дунё бу,
Тезлаб қайга борасан, ўзи ўтар дунё бу.
Кимлар ўтди дунёдан, Сен ҳам бир кун ўтарсан,
Яхшилик қил яхшиси, номинг қолар дунё бу.

* * *

Бировнинг тақдирин ҳал қилсанг агар,
Адолат мезонин тўғри қўй ҳар гал.
Ҳақлик тарозисин қўллай олмасанг,
Ўшал жойга ўзингни қўйиб кўр ҳар гал.

Кеча кундуз тинмай ишладима мен,
Билмам кимлар учун яшадима мен.
Ўзи меҳрга зор меҳрибонлардан,
Нечун меҳр кутиб яшадима мен!

* * *

Отанг бозор, онанг бозор, дунё ҳам бозор
Кимдир сотар, кимдир олар, кимлардир даллол.
Шу бозорда юрибди кулиб, жилмайиб,
Билсанг жонгинанга кўплаб харидор.

* * *

Дерлар чўпон кўп бўлса, қўй ҳаром ўлар,
Бугун чўпон камлигидан «қўй»лар ўлдилар.
Бошқа касбда юргандир кўплаб чўпонлар,
Билмам, балки адашгандир баъзи домлалар.

* * *

Кўнгли қора одам пинҳон юраверади,
Қилган ишингдан кир топиб кулаверади.
Ҳатто у қилган ишни қилганингда ҳам,
Умуман бу нотўғри деб тураверади.

* * *

Кўзи юмуқ туғилсада кучук боласи,
Уч тўрт кунда кўз очиб, танир одамни.
Лекин, афсус айрим одам боласи,
Кўзи очик бўлсада билмас одамни.

* * *

Ҳаётнинг севинчи, лаззати фарзанд,
Жон таннинг озуғи, ҳузури фарзанд.
Фарзандинг бўлмаса кўнгилдай гарчанд,
Икки дунё дузахи Сен учун бил банд.

* * *

Менинг ёзганларим шеърмас, дostonмас,
Бу отилиб чиққан юракдаги сас.
Қучоқ очиб кўришар айрим «дўст»ларим,
Шундан ҳам кир ахтариб юрмасалар бас!

**Ўзбекистон Республикаси Турон Фанлар
Академияси ҳақиқий аъзоси,
академик О.Д.Рахимов**

[illegible]

[illegible]

